

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

2001 ЙИЛ - ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

## БУ КУНЛАР САОДАТИ...



Одил НУРМАМАТОВ туширган сурат.

**Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида истиқомат қилувчи Муҳаббат Раҳимов яшайдиган хонадонга 1 дам кўйганимда бу ерда ўзгача осойишталик, саришталикни ҳис этдим. Опа билан бошлашиб хонага кирдик Муҳаббат ая дарс тайёрлаб ўтирган невараларини оналик меҳри билан суйиб, мактабга қузатди.**

- Дилбандларимни кўрсам, кўнглим яйрайди, - дея гап бошлади Муҳаббат опа. - Уларни ҳаммаша одоб-ахлоқли бўлишга, илмни чуқур ўзлаштириб, яхши инсон бўлиб етишишга даъват этаман. "Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор", - деган нидо кўнглимни ўқсатида. Шунинг учун ҳам фарзандларим ва невараларимга вақтдан унумли фойдаланишлар, қадрига етишлар дейишдан чарчамайман...

Биз турмуш ўртоғим Икромжон Раҳимов билан 41 йилдан буён бирга яшаб келмоқдамиз. У киши аввал ДАН ходими эдилар. Ҳозир уйдлар. Дастлаб Чирчиқда яшаб, меҳнат қилдик. Бирин-кетин фарзандларимиз туғилди. Шунча болани боқошнинг ўзи бўлмайди - ҳам давлат ишида, ҳам томорқада меҳнат қилиб болаларни вояга етказдик. Меҳнатдан сира бўйин товламаганмиз. Болаларимизга ҳам худди шу ҳисни сингдиришга ҳаракат қилдик.

Ўғилларим ҳам, қизларим ҳам ҳозирги кунда ўзларидан тинчиб, оилали бўлишган. Шу кунларга етказгани учун Оллоҳга беадад шукр. Шахсан ўзим ҳаётдан маъно излаб яшайман. Эр-хотин иккимиз ҳам болаларимизни ҳар томонлама етук, жамиятга нафи тегадиган кишилар бўлиб етишиши учун интилдик. Ҳаёт йўлимиз-

да учратган яхши инсонларга ҳаммаша ҳавас қилдик. Болаларимиз учун кечаю кундуз тиним билмадик. Бугунги кунда саккиз боламнинг барчаси ҳам яхши касбларнинг эгаси. Баҳодир, Бахтиёр, Баҳром муҳандис. Ботир ҳам асли муҳандис бўлса-да, ҳозирги кунда иккинчи бир ихтисосликни эгаллаш ниятида Халқ хўжалиги олийгоҳида таҳсил олмақда. Илҳом ва Иброҳим иқтисодчи. Улар тадбиркорлик ҳам қилишади. Қизларим - Шоирахон - технолог бўлса, Санобархон - кутубхоначи. Келинларим ҳам олий маълумотли. Гулчехра - тарбиячи, Феруза - модельёр, Маликахон - шифокор, ҳам чевар, Гўзал ва Лолаҳон-иқтисодчи, Зухраҳон эса rassom.

**- Фарзандлар камолини кўриш ҳар бир ота-она учун улкан бахт. Аммо, маҳалла**

**аёллари сизни ўзгалар учун ҳам жонқуяр инсон дея таърифлашди...**

- Мен одамларни яхши кўраман. Уларнинг ташвишига шерик бўлсам, кўлимдан келганча ёрдам берсам, дейман. 38 йил давомида мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бериб келдим. Одамларнинг кўнглига тўғри йўл топшишга, муаммо ва камчиликларни адолат кўзи билан ҳал қилишга интилдим. Соғлигим тўғри келмай, 3-4 йил уйда ўтирдим. Лекин одамлар менга ўрганиб қолишган экан. Маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раисалигини топширишди. Фаолларимиз билан маҳалладаги оилаларнинг фарзандларини соғлом ўсишлари, она-бола саломатлиги, ўсмир йигит-қизларни бўлғуси ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларни мустаҳкамлаш борасида қатор ишларни амалга ошириш учун ҳара-

кат қилаялмиз.

Муҳаббат Раҳимова билан суҳбатимиз анча давом этди. Меҳнатдан бахт топган, фарзандлари, ўттизга яқин неваралари ардоғида бўлган она-хонга ҳавас қилдик. Ҳар кунидан бир завқ олиб, ғайрат билан меҳнат қилаётган онахон билан хайрлашар эканман, кўнглимни илиқ туйғу чулғаб олди. Халқимиз азалдан меҳнаткаш, серғайрат халқ. Фарзандларга сингидрадиган миллий қадрият туйғуларининг ўзи бир мўъжиза. Кўнгилдаги ана шу улуг туйғу эса дилларни бир-бирига боғлайди. Бу кунлардан завқланиб яшаш саодати нақадар гаштли! Илоё, бу кунларга кўз тегмасин!

Фарида ТОҶИРОВА

## ЁШЛАР БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

Келажагимизнинг буюклигини билимдон, замонавий касбларга эга, ташаббускор, Президентимиз таъбири билан айтганда фидойи ёшларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ақромжон Шукуров яқинда "Фаллабанк"нинг Яккабоғ тумани бўлимига ўринбосар этиб тайинланди. Унинг банкда ишлаётганига ҳам олти йил тўлибди. Шу йиллар мобайнида у банк соҳасидаги билим ва тажрибасини орттириш учун

Ўзбекистон Банк-молия академиясида таҳсил олиб банк иши бўйича магистр илмий даражасини ҳимоя қилди. Икки йил мобайнида Республика «Фаллабанк»да турли лавозимларда меҳнат қилиб ўз тажрибасини орттирди. Суҳбатдошимиз ёшлар масаласига оид саволимизга қуйидаги фикрларни билдирди: "Ёшлар масаласини Президентимиз давлат сиёсати даражасига кўтариши бизни ниҳоятда тўлқинланти-

риб юборди. Дарҳақиқат, Президентимизни биз ёшларга шунчалик гамхўрлик қилаётганлиги келажагимизнинг буюклигидан далилат беради. Мен таҳсил олган Банк-молия академияси ҳам Президентимизнинг ташаббуслари ва гамхўрликлари туйфайли ташкил қилинган. У ерда биз банк соҳасига доир жаҳон андозалари даражасида таҳсил олдик. Ҳатто, ривожланган хорижий давлатларнинг энг йирик банкларида ама-

лиёт ўтаб қайтдик. Бу нафақат банк соҳасида амалий тажрибаларимизнинг бойишига, қолаверса мустақил давлатимиз гамхўрлиги меваси сифатида қўллаб чет эллик ҳамкасблар билан танишишимизга имкон яратди.

А.Шукуровнинг айтишича, банкда ишлаётган ходимларнинг деярли 80 фоизини ёшлар ташкил қилади. Улар ташаббускорликлари ва банк миқозларига хизмат кўрсатишда ҳозиржавобликлари билан алоҳида ажралиб туришади. Банк туман иқтисодиётини ри-

вожлантиришга, маҳаллий хом ашёни қайта ишлайдиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариб янги иш ўринлари яратаятган, аҳолини истеъмол моллари билан узлуксиз таъминлаётган миқозларга кўмагини бериб келмоқда. Шунингдек, банк давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида аҳолини бўш маблағларини йилга 70 фоизгача даромад билан таъминлайдиган омонатларга жалб этаяпти.

«ТУРКИСТОН-ПРЕСС»

# БОЛА КУЛСА - ОЛАМ КУЛАДИ



Тошкент шаҳар Юнусобод туманида очилган КРИДИ-ногирон болалар соғлиғини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамиятининг фаолият кўрсатаётганига унча кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамадан бу жамиятда талайгина ижобий ишлар амалга оширилди. КРИДИ раиси Феруза ВОСИҚОВА билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

- 1998 йил ушбу жамият дастлаб Юнусобод туманида ногирон болаларнинг оналари ташаббуси билан ташкил топганди,- дейди Феруза опа. - Дастлабки вақтда жамиятда 465 та бола билан иш бошладик. Жамиятни ташкил қилишдан мақсад, ногирон болаларга, энг кам таъминланган оилалар фарзандларига моддий ва маънавий ёрдам беришдан иборат эди. Ижтимоий таъминот ва поликлиникадан олган рўйхат бўйича уйма-уй юриб, аъзоларни йиғдик. Қисқа муддат ичида жамиятимиз аъзоларининг сони 900 дан ошди.

- Ҳозирги вақтда туманда бир неча ногиронлар жамияти фаолият кўрсатмоқда. Жамиятининг улардан қайси жиҳатлари билан фарқланади?

- Жамиятимизнинг улардан фарқи шундаки, бизда шартнома асосида кўнгилчилар - ногирон болалари бор оналар фаолият кўрсатишади. Улар ёрдамида ҳомийларни ўзимиз қидириб топамиз. Имкони борича руҳий мадад бериб, уларда яшаш учун умид уйғотишга, курашга чорлаймиз. Жамиятимизга гўдакликдан то 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар қабул қилинади. Ҳозирги вақтда ушбу масканда жарроҳлик операцияларини ўтказиш, ўқиш-ёзишнинг ўргатиб, тарбиявий ишлар олиб бориш йўлга қўйилган. Шунингдек, уқалаш ва соғломлаштириш хоналаримиз мавжуд. 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ногирон қизларга "Машура" фирмаси орқали тикиш-бичиш, пардозлаш сирлари ўргатилмоқда. Янграк (Жанубий Корея) Халқаро хайрия фонди ёрдамида ногирон болаларни ҳафтада икки марта ўқитадиган 3 та гуруҳимиз бор. Бу гуруҳларда боғча, мактаб ва олийгоҳ дастурлари асосида иш олиб борилади. Шунингдек, ногирон болалар учун математика, компьютер, немис тили курслари ҳам бор. Яқин кунларда қизлар учун тўқиш, попопчилик, зардўзлик, қандолатпазлик, ўғил болалар учун эса этикдўзлик, расомчилик, ҳайкалтарошлик курсларини очиш ниятидамыз. Ашула ва рақс тўғрисида ҳам бор. Унга яқин ногирон болалар санъатга қизиқиш кучлидигидан касалликдан фориғ бўлишди. Энди ўғил болалар учун

доира тўғрагини ҳам очмоқчимиз. - **Ҳомий ташкилотлар ҳақида гапириб берсангиз.**

- Мен бу борада туман ҳокимияти мутасаддиларини, Канада, Швеция элчихонасини, Республика Божхона кўмитасининг кўмакларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Қолаверса, жамиятимиз кўнгилчиларидан бир нечаси Туман меҳнат биржаларида уқалаш курсларида ўқитилиб ҳозирги кунда жамиятимиз аъзолари ўртасида фаол иш олиб боришмоқда. Янграк Халқаро хайрия фондида фаолият кўрсатувчи доктор Чонг болалар тишларини даволашда, уларни озиқ-овқат билан таъминлашда жамиятимизга яқиндан кўмак беришмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, доктор Чонг 2 нафар ногирон боланинг жарроҳлик операциясида ҳомийлик қилди. Худди шу фонднинг докторлари

Ўртадаги 2 нафар бола эса ДЦП - яъни болаликдан фалажланиш касали билан туғилган. Хомилдор аёлнинг ўз вақтида даволанмаслиги ҳам фарзандга асорат кўрсатмай қолмайди.

- **Иш жараёнида қандай камчилик ва муаммоларга дуч келаяпсиз?**

- Ишимизда камчиликлар кўп... Ногирон болаларнинг ўрганган касбларини ёддан чиқармасликлари учун хоналар керак. Уларга бепул касб-хунар ўргатувчи кўплаб савобталаб ўқитувчиларни топдик. Лекин хоналар етишмаётганлиги туфайли бу масала ҳали ҳал этилмаган. Бу хоналар ҳам (опа менга КРИДИ территориясини кўрсатади) асли тумандаги 494-сонли болалар боғчасига

қарашли. Биз ўзимизга ажратилган барча хоналарни тўла таъмирлаб чиққанмиздан кейин бу хоналар яна боғчага керак бўлиб қолди... Ногирон болаларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса-да, лекин жойлардаги шароит талаб даражасида эмас. Шу маҳалгача ногирон болаларнинг олийгоҳларга кириши имтиёзли эди. Бирок, баъзи инсофсиз ота-оналарнинг соппасоғ фарзандларини ногиронликка ўтказиб, кўзбўямачиликка йўл қўйиши оқибатида бу имтиёзлар олиб ташланиб, ўтган йили бир неча иқтидорли болаларимиз ўқишдан йиқилди. Бу йил эса 3 нафар (моддий таъминоти-контрактнинг ярим пулини КРИДИ тўлаган) бола жамият ёрдамида олийгоҳда таҳсил олмоқда.

- **Келгуси режаларингиз билан ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

- Жамиятимиз кўнгилчилари билан биргаликда уйда ўтирган ногирон болаларни келгусида ҳаётда ўзларини эплаб кетишлари учун бор кучимизни аямасликка аҳд қилганмиз. Негаки, бу дунёда ота-онани ҳеч кимга боғлаб бериб қўймаган, қолаверса жамиятимизнинг фаолиятини кенгайтириш, ногиронлар сонини камайтириш асосий мақсадимиздир.

- **Сўнги суз ўрнида:** Опа билан хайрлашар эканман, кўнглимдан бир қанча фикрлар кечди. Ҳозирги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликни рўқча қилиб қанчалаб ота-оналар тўрт мучаси соппасоғ фарзандларини йўлга солишолмаётгани ҳолда бу жамиятдагиларнинг рўзгор юмушию, қайнота-қайнона хизматидан ортиб, ногирон фарзанднинг дарди билан бирга ўнлаб, юзлаб кўнгли яримларга таскин, дардларига малҳам бўлаётгани, ногирон болаларни ҳаётга қайтариш, яшаш учун курашга чорлашлари, касб-хунар ўргатишлари... жасоратдир дегим келди. Манзура Исматова, Наима Аҳматова, Дилбар Расулова, Зухра Шоакбарова, Рустам Сафаров... Кўнгилчиларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буларнинг фидойилик билан фаолият кўрсатишини наинки қўллаш, балки алоҳида таҳсинлаш ҳам зарур дегим келади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни жуда-жуда истардим: азизлар, ногиронлар ҳам сизу биз каби тенг ҳуқуққа эга бўлган инсонлардир. КРИДИ раиси Феруза Восиқова билан муасаласида истиҳола билан айтган гапларини мутасадди ташкилотлар одилона ҳал этишса, ажаб эмас.

**Ф. ТОХИРОВА**



**СУРАТДА:** Доктор Чонг беморни тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

Ким ва Ко ҳам турли хил оғир касалликка дучор бўлган болаларни дори-дармон билан даволашда кўмаклашди.

- **Феруза Ҳамидовна, юқорида таъкидлаб ўтганингиздек, ҳозирги кунда жамият аъзоларининг сони анчага етиб қолибди. Боланинг ногирон туғилишининг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?**

- Она билан бола-гул билан лола.Баъзан бир кишининг кўнглига йўл тополмайсиз, жамиятимиздаги 943 нафар бола кўнглига йўл топиб, яна уларнинг мушфик оналарига таскин-тасалли бериш ниҳоятда қийин. Энг аввало онани маънавий қўллаб-қувватлаш зарур. Хомилдор аёлнинг руҳан сиқилиши натижасида бола ногирон туғилади. Қолаверса, ота-онада учрайдиган касалликларнинг суяк суриши, ота ёҳуд онанинг ичкилик ёки гиёҳвандликка берилиши ҳам боланинг бир умр майиб-мажруҳ бўлиб қолишига сабаб бўлади. Жамиятимиз кўнгилчиларидан бири - Замира-хон холасининг ўғлига турмушга чиққан.

Газетхонларимиз ижодидан



## КАМПИРИМ

Ховлимизда гул яратган кампирим,  
Юзларидан нур таратган кампирим.  
Ўғил-қизлар ардоғида ҳамиша,  
Уйимизнинг фариштаси кампирим.

Бошин силаб тўққиз фарзанд ўстирган,  
Бошларига бахт қушини кўндирган,  
Қуда-анда - ҳамма ишни дўндирган,  
Ороми йўқ, ташвиши кўп кампирим.

Йўқчиликда ўтди ёшлик йилларим,  
Машаққатли бўлди ҳаёт йўлларим,  
Меҳнат билан қаварғанди қўлларим,  
Барчасига бардош берган кампирим.

Шунча яшаб айтарли бой бўлмадик,  
Ўғил-қизни бойликдан кам билмадик,  
Ўрта яшаб асло афсус қилмадик,  
Бахт куёшим, вафодорим кампирим.

Икки ўғил, етти қизнинг онаси,  
Қанду асал келинларнинг боласи,  
Доим гавжум чолу кампир хонаси,  
Шу кунларни орзу қилган кампирим.

Ҳамза туман "Беш бола"дир маконим,  
Бирга яшаб заррача йўқ армоним,  
Кексаликда камайганда дармоним,  
Ҳамсуҳбатим, суянчиғим кампирим.

Оқ яқтагим тоза ювиб кийдирган,  
Меҳрин қўшиб юрагимга сингдирган,  
Фарзандларга ҳаёт йўли билдирган,  
Осмонда ой, ерда юлдуз кампирим.

Яхши кунлар элда байрам бўлганда,  
Ўғил-қизлар, неваралар келганда,  
Дастурхонга нозу-неъмат тўлганда,  
Шукроналар айтиб яйрар кампирим.

Неваралар кучоғида арзанда,  
Ошу нонга ўзи уста, пазанда.  
Она қизим дейди келинларини,  
Уй ишларин билимдони кампирим.

Бемор бўлсам шифокорим ўзингсан,  
Ғамгин бўлсам ғамгузорим ўзингсан,  
Рўзгоримиз сариштаси ўзингсан,  
Оиламиз подшоиси кампирим.

Кам бўлса-да орзулари ушалган,  
Умр йўли доволардан ошолган,  
Ҳурмати бор - кўрпачалар тўшалган,  
Ўзи камтар, камсуҳаним кампирим.

Айтинг, доим омон бўлсин оналар,  
Соғлом ўсим дард кўрмасин болалар,  
Дейди доим дуога қўл кўтариб,  
Юзида нур қалби гўзал кампирим.

**ХУДОЙНАЗАР ОТА**

Тошкент шаҳри,  
Ҳамза тумани,  
"Беш бола" маҳалласи

## КўНГИЛДАГИДЕК ИШ БўЛДИ



Президентимиз "Қамолот" ёшлар ижтимоий Харақати ташаббус гуруҳи билан учрашди. Кўнгилмиздаги гапларни айтди ва Президентимизнинг "Маънавий ва ижтимоий баркамол авлодни вояга етказиш масаласи бўш учун умуммиллий, умумдавлат мижёсида-

ги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва ҳақиятлик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турганини яна бир марта уқтириб ўтмоқчиман", - деган сўзлари ёшларни тўлқинлантириб юборди.

Зеро биз ёшларнинг бу "Харақат"идан умидимиз катта. Вилоятларда қанча-қанча иқтидорли ёшлар бор. Улар ўқини, ҳаётда

### Муносабат

ўз ўрнини топиши учун ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам керак. "Харақат" айнан мана шундай ёрдамларнинг манбаи бўлишига ишонаман.

Отам Чори Сувонов - деҳқон. Мен ҳам деҳқончасига тўғри гапиришни ёқтираман. "Қамолот" ёшлар ижтимоий Харақати кўнгилдагидек иш бўлди. Утган ҳафта талабалардан олти киши ушбу "Харақат"га аъзо бўлди. Биз ёшлар таърихий бир воқеа олдида туриб-

миз. Ўзим гувоҳман, кейинги йилларда жамиятимизга ҳар хил оқимлар кириб кела бошлади. Фояга қарши ғоя, ҳаёлатга қарши маърифат билан курашмоғимиз лозим. Биз, техникум талабалари шахримиздаги фаол ёшлар қаторида "Харақат"нинг бошланғич ташкилотига аъзо бўлдик. Келажакда уюшқоқлимиз, аҳиллигимиз билан юртимиз тараққиётига ҳиссамизни қўшамиз.

**Хусан СУВОНОВ,**  
Тошкент кинотехникуми толиби

**СИЗ ФАРЗАНДЛАРИНГИЗИНИ ҲАМ ҲАМ**

“Қандай йўл тутсам тўғри бўларкин?” - 2-сон

**ЭСЛАТМА:** Эрим билан ота-она ризолигига кўра турмуш қурдик. 3 фарзандим бор. Бутун умр оиласига хиёнат қилган кишилардан нафратланардим. Инди эса хиёнатчи билан яшайганим учун ичим тўла даро...

**САДОҚАТ**

Садоқатхон, ёшимиз тенг экан. Ҳаётда хиёнаткор аёллар бўлгани сингари, хиёнаткор эрлар ҳам топилиб туради. Қиз болани албатта тағтугини суриштириб, кейин бериш керак экан, дегансиз. Бир томондан бу гаплар тўғри, ammo баъзида ота-онаси яхши одамлар бўлса-да фарзанди ёмонлар ҳам топилади. Уртоқжон, биз ўзбек аёллари андиша, фарзандларимиз келажаги деб ўз умримизни баъзида азоб-

укубатларга кўямиз. Лекин бизларни тўғри тушунмаган айрим эркеклар янада зўравонлигини, ўз сўзини ўтказишни давом эттираверди. Қарабсизки, асаблар бузилиб, юраклар тез ишдан чиқади. Юкоридаги сизнинг бошингиздан ўтган воқеалар ҳозирги кунда кўпайган. Мана шундай вақтларда ўша эркекнинг ота-онаси, қариндошлари ўртага олиб ҳар қандай кунингда ўз хотининг ва болаларинг ярайди, деб яхшироқ тушунтиришлари шартдир. Йиллар ўтиб нопок аёллар ҳеч қачон ўз хотинидек бўлмаслигини англаб етати. Баъзида бузуқ, оилабузатр баъзи аёлларга нега ҳеч қандай чора кўрил-

майдий-ю, вафодор, ҳалол аёллар бир умр эзилиб яшайди деб ўйлаб эзилиб кетаман. Сиз ўз соғлигингизни, фарзандларингизни ўйланг. Бу ўткинчи дунёда барчамиз меҳмонмиз. Шундай экан, ўша эрингизни йўлдан урган, ўқитувчи номига номуносиб аёлчи ҳам Худога топширинг. Аллоҳ ҳамма нарсага кўргувчи ва билгувчидир. “Фотиҳаи шариф” сурасида айтилганидек: “Раҳматдан узоқ бўлмиш шайтоннинг ёмонлигидан сақласин. Ҳар бир яхшилик ҳамма оламни тарбия қилгучи, дунёда ва охиратда раҳмат қилгучи ва қиёмат кунининг хожаси Аллоҳ таолога ҳосидир”. Дугонажон Саодатхон, сизга сабр-бародар, эрингизга инсоф тилашам.

**Марзия ФАТТОВА**  
Гиждувон

**МЕН БУ ФИКРГА ҚУШИЛМАЙМАН**

Биз бечора аёлларнинг қандай айби бўлиши мумкин?! Қайси қиз турмуш қуриб, “оила” деб аталмиш муқаддас даргоҳга қадам қўяр экан, ёнидаги ёри маълум фурсат ўтгач ўзига хиёнат қилиб, юзига оёқ қўйиб ҳақорат қилади, дейди. Ахир хиёнатдан-да оғирроқ жабричун борми дунёда аёл учун. Нафақат аёл учун, умуман инсон зоти хиё-

лайсан. Бунда ҳам аёл айбдорми?  
“Эрни эр қиладиган ҳам, ер қиладиган ҳам аёл”, - дейишди. Мен бу мақолани эркекларга нисбатан ҳам ишлатилишини истардим. “Аёлни аёл қилиб юксакларга кўтаргучи, уни табиат ато этган бор гўзаллиги, истеъдодини юзага чиқаргучи ҳам эркекдир. Ё уни ерга топтаб таш-

“Эркек хатосида аёл айби бор” - 1-сон

**ЭСЛАТМА:** Оилали, гулдек хотинлари бўла туриб бегона аёлларга таширғи бурювчи эркекларга нима етмайди. Эр келганда аёл уни тинчлантириш учун ундан бир оғиз кўнгли сўрадим, уйини саранжом қилиб қўйдими ёки... Бу ҳолатни аёлларимиз чўқурроқ ўйлаб кўришса яхши бўларди.

**ОРЗИМУРОД**

**БУ - МЕНИНГ ҲАМ ДИЛ ҲАМ ҲАМ**

“Сиз нима дейсиз?”-2-сон

**ЭСЛАТМА:** Қўшни аёл ниҳоятда фозила, оқила эди. Яқинда у оламдан ўтганида келини кўйиниб йўл-да, қизлари эса... Ҳаммасидан ҳам афсусласи, қўшининг қизлари қиз узатиб, келин олишди. Ҳайитда эса фотиҳа ўқигани келганлари келинининг уйига тақлиф қилишгани ҳаммасидан ўтиб тушди.

**М. САФАРОВА**

Кўпнинг ҳукмига ҳавола этиладиган муҳим бир мавзунини ёзиб яхши қилибсиз. Бу дилим тубида ётган, юзига чиқолмай мени кемираётган ўқинч эди. Ҳа, ҳамма ҳам дилидаги бор гапни юзага чиқариб айтолмайди. Баъзилар эса ич-ичидан йўғлаб, ичидан эзилади. Мен 30 ёшимда онажонимдан айрилдим. Энди биз ҳаммамиз оилалик бўлсак-да, рўзғор бекаси бўлсак-да “етим” деб аталмиш мудҳиш сўз остида эдик. “Ота-она” деб йўғламоқ салтанат, “ота-она” деб йўғламоқ эдик, лекин болам дедирмасин” деган гапларни эшитдик. Лекин... барибир ота-она меҳрига тўйиб бўлмас экан. Оилада 3 қиз эдик. Мен кенжа қиз бўлиб, узоқроқ шаҳарда яшар эдим, ўртанча одам эса менадан-да узоқроқ эдилар. Катта одам эса ота-онамизга яқин турардилар. Баъзан онажонимнинг: “Сизлар менга опангиздан яқинроқ турасизлар”, -де-

онажонимиз ҳам бизни ташлаб кетдилар. Сўнги нафасларига-ча бизга яхшиликни сўрадилар, “фақат иноқ бўлинглар”, дея илтимос қилдилар. Эй, воҳ, ўша кунни эсласам... Шундай қилиб оиламиз тўнғич қизи - опам сиз айтгандай айтиб-айтиб йўғламас, аксинча, pista қақиб ўтирардилар. Бир-икки аёл ўртага олиб: “Қизим, сен буларга бош бўл, онанг қандай аёл эди, ҳаммамиз дили куяяпти шу аёлга, наҳот “онажон” деб айтмайсан”, десалар: “Мени тинч қўйинглар, ўзим биланам”, - дея жавоб берибдилар. Биз эса бошқа-бошқа шаҳарга тушганимиз учун кўпчилик опамни танишар ва опамни сўрашар, қатта қизи қани деб излашар эди. Хуллас, қаро еринг совуқ бағрига онамизни қўйиб келишгач, у кишининг маъракаларида ҳам опагинанинг кўзидан ёш, оғзидан “онагинам” деган сўз чиқмас эди. Қўни-қўшнилари кириб: “Онаг-

ни васияти - иноқ бўлинглар”, - дея гапиришар, опамизга эса гапиришмас эдилар. Хуллас, мана 7 ойга етай деб қолган кунларда ҳам опам на менинг, на у опамнинг эшигини очдилар. Вахолонки, кишилардан опамнинг тўйма-тўй юргани, ўғлини ҳарбий хизматга ҳам қўй сўйиб, тўй қилиб жўнатгани, ҳаттоки ён қўшнимизнинг тўйига ҳам ясантусан қилиб ўтганини, қўша-қўша тилла тақинчоқларни кўз-кўз қилиб ўтирганини эшитдим. Танам музлаб кетди. Ахир, ахир... Онажон, не умидда катта қилган эдингиз бизларни. Онагинанинг айблари (агар буни айб деб аташ мумкин бўлса) эса опамни оилали кишига турмушга чиқишига рози бўлмаганлари, лекин барибир ота-она тўй қилиб узатдилар, почтагинамни ўқитдилар. Фақат баъзан опамга: “Бекорга бир оилали кишига турмушга чиқинг-да”, - деб ўқинишлари эди. Шундай қилиб кимга тўй, кимга аза экан. Ўз онажонимни йўқлаб йўғламаганлар бизнинг оиламизда ҳам бор. Ҳозиргача опамга нисбатан юрғимдан на илтиқини, на ҳурматни сезаман. Лекин на иллож... Ҳеч кимни бир-бировидан айирмасин, ҳеч ким ота-она меҳрига тўйган эмас, афсус, ҳеч ким менинг опамчалик онасининг маъракаларида pista қақмаган. Не дейин, не қилайин, мен ҳам маслаҳатга муҳтожман.

**НОМАЪЛУМ АЁЛ**

**СИЗГА ЯХШИЛИК ТИЛАЙМАН**

“Уни ташлаб кетишга ҳаққим йўқ” - 40-сон

**ЭСЛАТМА:** Ҳўзим табибиёт олиғоҳида ўқийман. У билан дуоамизнинг туғилган кунда танишиб қолдик. Вақт ўтиб бир-биримизни турсалмайсан бўдик. Кейинги пайнда у негадир бошқача бўлиб қолди. Суриштириб билсам, у сибҳанд экан. Уни севганим учун ташлаб кетолмаيمان.

ларимиз натижа бермади. Бу жуда ёмон дард экан. Бундайларнинг ҳаёти фақатгина шу гиёҳвандликдан иборат. Буларга на ота-она, на хотин, на болалари керак эмас. Сиз ёзибсиз: “Усиз яшай олмаيمان” деб. Менимча, сиз ҳали яхши тушуниб етмагансиз бу йўғитнинг гиёҳвандликнинг қули бўлиб қолганини. Менга буни ёзиш жуда қийин, лекин ҳақ гапни ёзишга мажбурман. Агар шу йўғитга турмушга чиқсангиз, бутун ҳаётингиз дўзахга айланади. Рухан эзилиб кетасиз. Ўзингизни ўйламасангиз ҳам, туғилажак фарзандларингизни ўйланг, онагизни ўйланг. Наркоманлар фақатгина бугунги кун билан яшайдилар.

Уларда келажақ йўқ, ҳаттоки қамалиб чиқиб ҳам одам бўлишмайди. Улар руҳий касал одамга ўхшайдилар. Сиз ёзибсиз: “Ота-онаси кўчага чиқаришмаёпти, даволашяпти”, деб. Лекин дом ўйда олиб ўтиришмайди-ку, яна эски дўстларини кўрса марди қўзаб қўлдир. Сингилжон, мендан хафа бўлманг. Ёзган хатим дилингизга қаттиқ ботган бўлса мени кечиринг. Мен фақатгина сизга яхшилик тиллаган ҳолда бор ҳақиқатни ёзишга мажбур бўлдим. Сизни тўғри йўлни танлашингизга ишонманам. Ўз бахтингизни топасиз - ўзингизга ўйланган олий маълумотли бир йўғит учрайди, сизга ҳам.

**ФАРИДА**

Тошкент,  
Юнусобод тумани

фарзандларига яхши қарашга, ширин овқатлар пишириб эрининг кўнглини олишга ҳаракат қилади. Бу орада яна ўзига ҳам қараш керак. Бундан ташқари яна давлат ишида ишласа-чи... Эрлар-чи, бунинг қадрига етишмаптими? Менимча, эркекларни хиёнаткор бўлиб кетишида бизнинг барча айбни аёлларга ағдарди, эркекларни оқлашимиз сабабчидир. Шундай эркеклар борки, умуман камчилиги йўқ хотини устига жазман орттиришади. Ёки бошқа бировлари аёли бетоно бўлиб қолганини баҳона қилиб оиласини ташлаб кетади. Шундай эрлар борки, ўз аёлига бир оғиз ширин сўз айтолмайди, туғилган кунига гул совға қилиш у ёқда турсин бир оғиз “табриклайман” дейишга ярамайди. Оғайнларига ўз жуфти ҳалолни, фарзандлари онасини ёмон-лаб обрў орттиришмоқчи бўлишади. Ўз қариндошлари олдида аёлига қўпол муоамала қилишади. Ахир аёл тош эмас-ку. Ахир биз - аёлларнинг кўнгли эркеклардан ҳам нозик ва меҳрга биз улардан кўпроқ муҳтожмиз-ку. Эркакларнинг эътибори бизга қанчалик муҳим ва зарур эканини улар билмайди, дейсизми, билади. Жуда яхши билишади. Фақат ғулохлари жазосиз қолишига ишонганлари туфайли бемалол “кўча хандон” юраверишади. Нега биз аёллар энгилтак эркекларни ҳушомадларига эътибор бермаймиз-у, баъзи эркеклар эса силлиқроқ аёлни кўришса эр, ота эканлигари уни унутиб, хотинлигари айтмаган ширин сўзларини тилларига чиқариб ўзларидан кетиб қолишади. Баъзи эркеклар эса кўчада маишат қилиб юришадию, рўзғоридagi кам-кўстни ўйлашмайди. Шу қабиларни эшитиб, кўриб, тавба деб ёқангни уш-

ловчи ҳам эркекдир. Гапнинг қисқаси ҳар кимга Аллоҳнинг ўзи инсоф берсин. Хурматли эркекларимиз ҳам ўз умр йўлдошларига қандай муносабатда бўлаётганликлари ҳақида бундоқ дўппини олиб қўйиб бафуржа ўйлаб кўрсалар фойдадан холи бўлмаса керак. Ахир ўша ўз рафикаларидан устун кўрган аёллари бир ун қелиб чўнтақларидаги пуллари туғаб, соғлиқларига пугур етиб, сочларига оқ оралаганда кунларига ярамаслиги ойдек равшан-ку. Сўнги йўлга отланганда оғизларига сув томизгучи фарзандларидан воз кечишга, суянчиқлари бўлмиш муқаддас аёллари, фарзандлари онасига жабр қилишга арзирмикан ўша вақтинчалик нафсини тиёлмаслик туфайли орттирилган ҳузур.

Эй эр зоти. Сени эр қилиб Аллоҳ фақат шаҳовнинг ҳирсингни қондириш учун эмас, балки бировнинг ўғли, бировнинг акаси, бировнинг жуфти ҳалолни ва, энг муҳими, бировнинг отаси қилиб яратган. Мен эркекман, деб кўчада бошқа аёлларга кўз тикаётганимда шу нарсаларни ҳам унутмаслигингни истардим. Яна эркекларни ёнини олиб уларни оқловчиларига бир оғиз гапим шуки, агар улар хиёнатни ўз бошларидан ўтказганларида бунчалик аёлларга айб қўймаган бўлишарди. Чунки хиёнаткор эркекларнинг аксариятининг аёллари жуда гўзал, озода, пандана ва умуман ҳар тоқаклар эса силлиқроқ аёлни кўришса эр, ота эканлигари уни унутиб, хотинлигари айтмаган ширин сўзларини тилларига чиқариб ўзларидан кетиб қолишади. Баъзи эркеклар эса кўчада маишат қилиб юришадию, рўзғоридagi кам-кўстни ўйлашмайди. Шу қабиларни эшитиб, кўриб, тавба деб ёқангни уш-

**НОДИРА**

Тошкент

«Оила ва жамият»нинг 2001 йил 6-сонида эълон қилинган «Камчилигим йўғу, лекин...» мақоласи муаллифи Нарғизахон, таҳририятга хат ёзиб ёки кўнгироқ қилиб манзилингизни маълум қилинг. Сизнинг номингизга хатлар бор!

**Волидаи муҳтарамамиз Зайнаб ИСОҚОВА!**  
63-баҳориниڭ мувовақ!  
Калбниڭىڭىزدا مەھر بەخانىڭىزدا كۈندەك تاپراقلاپ تۇرسىڭىز. سىزنىڭ ئۆلكىدىن يۇقۇق، باغشۇ-ساودات، سۆڭەك تىلەيمىز.  
Фарзандларингиз номидан қизингиз Жаннат

**Хурматли адажонимиз ОЛИМЖОН!**  
Ярим асрлик кутлуи шаваллуд топиниڭىز мувовақ бўлدى. Сىزنىڭ يۇقۇق، омад، سۆڭەك تىلەيمىز. Маъсурадон онамиз-га кўна қабри، фарзандлариниڭىز роҳатиниڭىز كېڭىي يۈرسىڭىز.  
Кудаларингиз Умидахон, Хайруллахон, куёвингиз Ҳасанжон, қизингиз Сайёрахон, набиранингиз Иброҳимжон

**Азиз дўстимиз Дониёр ШЕРЖОНОВ!**  
Сىزنىڭ تۇتقان كۈننىڭىز بىلەن ئىك كۈننىڭىزدان تەبرىكلايمىز. ئىككىمىز بىر كۈننىڭىزدا омадлар ёр бўлدى.  
Дўстларингиз Мурод, Музаффар, Шаҳноза

**РУСТАМЖОН!**  
Сەنى 22 феврал كۈنى 20 ياش تەڭرىنىڭىز بىلەن كۈتۈلمەيمىز، باغشۇ ساوداتىڭىز ۋە سۆڭەك تىلەيمىز.  
Аданг, ойинг Халима, опанг Нигора, уканг Умиджон, синглинг Наргиза, жиянинг Мухаммад Али Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани

**“Она ва бола” Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида экологик нокулай минтақада яшовчи оналар ва болаларга юқори малакали маслаҳат ва даволаш-профилактика ёрдамлари кўрсатиш ниятида “ЭКОСАН” Халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзтелеферадиокомпанияси “Ёшлар” телеканални “ЭКОСАН” саломатлик поезди даволаш-маслаҳат гуруҳи таркибиде иштирок этиш ҳуқуқини олиш учун врачлар орасида танлов эълон қилади**

**Танлов шартлари:**

1. Танловда олий ва 1-тоифали врачлар, тиббиёт фанлари номзодлари ва докторлари, тиббиёт олий ўқув юртлири ва илмий текшириш институтларида ишловчилар, даволаш идораларида 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар: терапевт, педиатр, эндокринолог, физиотер, гематолог, гастронтеролог, теританосил шифокори, гинеколог, хирург, окулист, ЛОР, аллерголог ва бошқалар иштирок этиши мумкин;
2. Танлов учун номзодлар даволаш идоралари, олий ўқув юртлири, илмий текшириш институтларининг жамоалари томонидан тақдим қилинади;
3. Комиссия тасдиғидан ўтган ва “ЭКОСАН” саломатлик поезди бригадаси таркибиде жўнаб кетувчи номзодларнинг иш жойларидаги ўртача ойлик иш ҳақлари, улар сафардалик вақтида сақланиши таъминланади;
4. Овақтланиш ва турар жой билан таъминлаш “ЭКОСАН” жамғармаси томонидан таъминланади;
5. Саломатлик поезди иши яқунлангандан сўнг, врачлар бригадаси “ЭКОСАН” жамғармаси ва ҳомийлар томонидан қиматбаҳо совғалар ва пул муқофотлари билан тақдирланадилар.

Танловда иштирок этиш учун Тақдинома-лар (буюртмалар) жорий йилнинг 25 февралига қадар “ЭКОСАН” жамғармасига (Шахрисабз кўчаси, 1-уй) топширилиши лозим.

**Маълумот учун телефонлар: 133-14-66, 34-24-88**

Озиш, семириш, ажин, қабзият, хусн-бузарлардан фориг бўлишга ёрдам берамиз. Маълумот учун телефонлар: 74-71-29. Соат 19 дан кейин.

**ОИЛА - 7**  
Тошкент вилоятида яшовчи, ёши 53 да, касби ҳайдовчи, фарзандсиз, миллати ўзбек, ҳозирда кекса онаси билан яшовчи, ўз уй-жойига эга эркак ёши 40-50 ларда бўлган содда, очик-кўнгул, меҳнаткаш (1-2 фарзанди бўлган қишлоқ аёли бўлса айнаи му-дао) аёл билан оила курмоқчи.

Торт ва пишириқлар пиширишинг оддий ва олий курсини ўргатаман.  
**Телефон: 162-67-86**

Ҳайит ва байрам тортлари пиши-раман ва ўргатаман.  
**Тел: 116-01-01**

Каталоглар асосида пардалар ва комплеклар тикаман, ўргатаман.  
**Тел: 116-01-01**

Замонавий “Элита” усулида парда-лар тикаман ва тикиш усулларини ўргатаман. **Телефон: 162-67-86**

**“ЎКТАМХОН” ўқув курси ўқишга таклиф этади**

1. Тиқиш-бичиш - 6 ой. Бунда сиз аёл-ларнинг 100 дан ортиқ замонавий либ-бослари, костюм-шим, бешик жиҳозла-рини тикиши ўрганасиз.
2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машғулотлари ўтилади.
3. Сартарошлик - 3 ой.
4. Тиббий массаж - 2 ой.
5. Торт ва турли хил пишириқлар - 2 ой.
6. Парда тикиш - 1 ой.
7. Тўқувчилик - 3 ой.

Ўқишни тугатганларга диплом берилади.  
**Манзилгоҳимиз: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 21-уй, 1-хона**  
**Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 125-35-18**  
Ўқиш март ойдан бошланади.

**“КАМОЛОТ-КОМПЮТЕР” БИЗНЕС МАКТАБИ**  
Куйидаги ўқув курсларига таклиф қилади.

**Бир ойлик курсларга:**  
1С: Бухгалтерия дастури билан ишлаш таълими; Видео операторлари курси; INTERNETга ўқитиш.

**Икки ойлик курсларга:**  
Замонавий бухгалтерия ҳисоби; Банк иши; Компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS 95, MS OFFICE 97, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА); Дастурлаш тиллари; Сартарошлик курси; Профес-сионал фотоаппарат.

**Уч ойлик курсларга:**  
Хисобчилар, компьютер таълими билан бирга; Инг-лиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); Компьютер билимлари; Банк иши ва компьютер.

**Тел: 41-33-96, 58-48-50**

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади.  
**Манзилимиз: Тошкент. Навоий кўчаси-9, “Пищепром” лойиҳа институти**  
биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.)

**ҲАЁТНИНГ БАЛАНД-ПАСТИДАН БИРГА ЎТСАК**  
Ёшим 27 да. Маълумотим олий. Ишлайм-ан. 1995 йил турмушга чиқиб, айрим са-бабларга кўра ажрашганман. Аллоҳ инсон зотини жуфти билан ярат-ган, дейишди. Мен ҳам пок, Қайда ўзи ўша бахт?  
Мени тушундирган, ҳурмат қилиб, ҳурма-тинга сазовор бўладиган, хотинидан узр-ли сабабларга кўра ажрашган, оилам,

рўзим-рўзгорим дейдиган, уй-жойи тайин, кўлида бирор касб-кори, хунари (зиёли бўлса, янаям яхши) бор ёши 37 гача бўлган соғлом, баркамол, турли одат-лардан (касаликлардан) холи йигит бўлса, турмушининг аччиқ-чучуқларини бирга татиб, ҳаётнинг баланд-пастидан бир-га ўтиб яшасак дегандим.

**ЭЪЗОЗА**  
**Карши**

**“ҲАДИЧА САЁХАТ” ФИРМАСИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:**

**3-ОЙЛИК**  
Бичиш ва тикиш (3-6 ой).  
Қандолатчилик. Сартарошлик.

**Массаж (2 ой).**  
Уй ҳамшираси.  
(Ўқишни битирганларга дип-лом берилади.)

**Манзил: Янгиобод даҳаси. “Янгиобод” кинотеатри биноси. Тел: 98-71-98**

**ҚИЗ БОЛА ГУЛДАН НОЗИК...**  
Қиз боланинг бахти аввало унинг соғ-ломлигидадир. Соғлом қизларда ушшечора-лик, хушхулқлик, ҳафсала ва тадбиркорлик зоҳир бўлади. Соғлом қизнинг кечинмалари, орзулари, хаёллари ҳам соғлом ва чирой-лидир. Қиз боланинг соғлигини асраш она-нинг вазифасидир. Бунинг учун она ва қиз-нинг яқинлиги, яқинлиги керак. Ҳатто му-ҳаббат масалаларини ҳам қиз онаси билан бирга ҳал этгани маъқулроқдир.  
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маъ-лумотларига кўра, ўсмирлик даври қиз бо-лаларда 12-15, ўғил болаларда 13-16 ёшни ўз ичига олади. Бу даврда организм абзола-рининг тузилиши ва фаолиятида сезилар-ли ўзгаришлар содир бўлади. Ўсмирларда хиссий беқарорлик ва жисмоний иш қобилиятининг пасайиши кузати-нади.

**САЛОМАТЛИК**  
Қизлар кўпинча 12-13 яшарлигидан бошлаб ҳайз кўра бошлайди, лекин бу нарса эртароқ ёки кечроқ бошланиши ҳам мумкин. Ҳайз бошлангач, кейинчалик ҳар ой давом этмас-лиги ҳам мумкин. Ҳайзининг вақтинча тўхтаб қолишига қуйидагилар сабаб бўлади:  
Қиз бола бошдан кечирган оғир касаллик, иш, каттиқ чарчаб; витамини кам оватлар ейиш (айниқса қишда ва баҳорда); турли органлар касалликлари (бодомча безлари-нинг хроник яллиғланиши, жигар, ўт пуфаги, бўйрак ва бошқа органлар касалликлари).  
Ҳайз кўришининг бошланиши қиз боланинг балоғатга етганлигидан далолат беради. Лекин қизлар бизнинг шароитда 20 ёшга бориб биологик жиҳатдан тўла шаклланади. Ҳайзни энди кўра бошлаган қизлар сер-витами, калорияли оват истеъмол қилиш-лари, суткалик иш ва дам олиш тартибини бузмасликлари, руҳий ва жисмоний зўриқиш

олмасликлари, тавсия этилади.  
Қизлар болалигидан ширинликка ўч бўли-шади. Ҳар қандай ортиқчаликни табиат ёқтирмайди. Меъёр бузилса, баданда тош-малар кўпаяди, юзида қорамтир нуқталар, сепкил, учли бўртмалар, кейинчалик эса хуснбузар пайдо бўлади.  
Ўспиринлик даврида қиз боланинг тана су-яги мўрт, жинсий органлари заиф бўлиб, уни шу даврда қалтис ҳаракатлардан асраш керак (оғир иш қилиш ёки юк кўтариш, ша-моллаш ва бошқалар). Бунда бачадон туши-ши ёки қайрилиб қолиши, томирлар кенга-йиши каби ҳолатлар юз бериши мумкин. Узоқ вақт таҳорат ушатмаслик ҳам зарарли-дир.  
Қизлар сунъий, ялтир-юлтир, синтетик тор ки-йимлар киймаганлари маъқул. Чунки бундай кийимлар баданга ҳаво ўтказмайди, организмда қон айланшини кийинлаштиради. Натихада қизалоқларда бачадон, тухумдон ва сут безларининг ўси-ши сустлашади. Оқибатда мастопатия, мас-тит, сутсизлик, аллергия қичима, тошма ка-салликлари пайдо бўлиши мумкин. Бачадон яхши ривожланмаслиги эса ҳомиласизлик-ка сабаб бўлади.  
Ўсмир қиз ўғил болага нисбатан анча зий-рак ва хушёр бўлади. Қиз бола ҳар бир ўзган-билганини, эшитганини ёдида сақлаб, ўзинча муносабат билдиради, кўпинча катта-ларга таклиф қилади. Шунинг учун 8-9 ёши-дан бошлаб қизларнинг ётоғи алоҳида хо-нада бўлгани маъқул.  
Инсон учун биринчи бахт - унинг соғлиги, иккинчи - гўзаллиқдир, - деган эди Афлотун.  
Биз ота-оналар қизларимизнинг бахт-сао-датини кўзласак, уларнинг соғлигини, шунингдەк гўзаллигини асраб-афлаймоғи-миз ҳам қарз, ҳам фарздор.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**  
доцент

**“ХОЛИС-УМИД” ФИРМАСИ курсларга қабул қилади:**  
Бу ерда сизга, Бурдадаги энг сўнгги модалар асосида осон ва тез мукамал бичиб-тикишни ўрағиб олишигизда сизга малакали дизайнерлар - ўз иш соҳасини уста мута-хассислари ҳолисона ёрдам берадилар.  
Компьютер билимлари (бошловчи ва давом эттирувчилар учун).  
**3-ойлик**  
Бичиш-тикиш (сиз хоҳлаган фасонда).  
Акушерлик (амалиёт билан).  
Сартарошлик (амалиёт билан).  
Парда-покривал (замонавий Элита усулида).  
Инглиз тили (бошловчи ва давом этти-рувчилар учун).

**Диққат! ХОЛИС-УМИД фирмаси тазкор махсус кичик гуруҳларга (3-4 кишидан иборат) қабул эълон қилади ва ўқитади, бунда сиз ҳар кунни 1 ой давомиде фирмани ҳар бир курсини умумий ўзлаштирасиз.**  
**Битирганларга диплом берилади.**

**1-МАНЗИЛ: «Халқлар Дўстлиги» метроси. Олмазор массиви, 14-уй, 126-хона, 6-йўлак. 2-МАНЗИЛ: «Буюк ипак йўли» метроси бекати. Зельенский кўчаси, 12-уй. Тел: 47-09-52, 45-98-96, 162-30-84.**

**«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади**

**2 ойлик**  
1. Компьютер билимлари.  
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.  
3. Зардўзлик - Бухороча.  
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш (ен-гил ва устки кийимлар).  
5. Замонавий пардалар тикиш.

**3 ойлик**  
1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.  
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).  
3. Тикиш-бичиш, моделлаштириш (ен-гил ва устки кийимлар).

**Манзил: Абай кўчаси, 4 “А”-уй, 1-қават, 114-хона.**  
**Мўлжал “Алишер Навоий” метро бекати.**  
**Тел: 144-03-25, 23-84-15**



Хазратнинг бир байтлари диққатини тортди: "Сарву гулу лола харидори бор, ўтиннинг доғи бозори бор". Доноларнинг гапи дори, оғриб турган жойингни тузатади... Бир қаламкаш ўзининг янги чиққан китобини танишга бераётми? "Ўқиб кўрингчи, Фалончининг китоби зўрми, бу зўрми?" - дермиш. Эҳ, эси! Шу гапни айтган захоти унинг бозори қосод бўлди деяверинг. Сабаби, ҳасад туғилди. Ҳасад туғилган жойки нурашга тушади. Ҳасадни пайдо қиладиган кибрдир. Хаволаниб юрадиган киши ўзида йўқ имконни бировда учратса, гаши келдими, кибрангани шу! Кибр кишидаги бор истеъдодни ҳам сўнишга олиб келади. Нафсламрини айтганда, ижодкор юрагида пишган истеъдод мевасини қозоғга тушираётганда ўрни ушлаб турган каби ўзи билан ўзи банд бўлади. Бировга ўзини солиштириш, фалончидан ўтказиб ёзман дейиш қаёқда! Чўгимни ўчирмай қозоғга қўчирсам бўлди, деб жони ҳалқумда туради. Бундай мўъжизали дақиқалар Худо буюрганга насиб этади! Бу мўъсарликка этган кишиларда эса ҳеч қачон ҳасад бўлмайди.

"Хамса"ни ёзиб тугатган Навоий ҳазратларини султон Хусайн Бойқаро ўз отига миндириб, отнинг жоловини тутган ҳолда ҳалойиқ қошида айлантириб, шоирни кўз-кўз этгани ёдингизми? Келинг, шу воқеани таҳлил қилайлик: биринчидан, Хусайн Бойқаро шох сифатида миллатпарварлик кўрсатмоқда - у туркий тилнинг шу асар, шу замондоши туфайли ҳажон сахнасига чиққанидан беҳад шод! Иккинчидан, шу аснода у миллатнинг обрўсини кўтарган шоирни ўзидан юқори ўтказиб, гоёғ гузал шарқона лутфни намойиш этмоқда ва бу билан у адабиётга, жами ижод аҳлига рағбат бермоқда. Учинчидан, Худонинг яна бир мўъжиза-муқофотини Навоийда кўриб, Яратганга ҳамду сано эҳор қилмоқда ва унинг ризолиги учун у азиз қилган кишини эъзозламоқда.

Тўртинчидан, унинг ўзи ҳам катта шоир ва руҳиятшунос эди, олтин ерда қолмаслигини, эртага "Хамса"дай гўзал аралма албатта баҳосини олажанини билиб турди ва Навоийни голиблик эгарига ўз қўли билан ўтқизди. Навоий миниб турган от султоннинг оти эди, рамзий тарафда айтиш мумкинки, Навоийни ғазал мулкнинг султони этиб сайлаган дастлаб Хусайн Бойқаро бўлди. Шох уни отига ўтқизмаса ҳам, шоирнинг манглайига шу бахт ёзиглик

ровга ҳавас эмас, ҳасад қиялпими, билинги, ношукр ва у ҳали-вери ўсиб-унмамай! Фалончининг ютуғи менда бўлиши керак деб туришини ўзи НАФС! Инсонга жами фалокатни етаклаб келадиган шу бақдирдор нафс!

Бу ёруғ оламни мўътабар этган унинг рангдорлигидир! Бизнинг атрофимизда неки бўлса, у неъмат. Ҳар неъмат бир воқелиқдир - ўзининг моҳияти, яшаш фалсафаси ва ўзига ҳосликларга эга. "Сарви гулу лола харидори бор"

кин. Бу билан ялпизнинг баҳоси қандай бўлади? Бу билан ялпизнинг баҳоси қандай бўлади? Бу билан ялпизнинг баҳоси қандай бўлади? Бу билан ялпизнинг баҳоси қандай бўлади?

Инсонни томир-томиригача эритиб, яйратадиган БАХТИЁРЛИК нима? У қачон содир бўлади? Пулинг кўпайгандами ё молинг кўпайгандами? Ёкин шону шуҳратга эришгандами? Йўқ! Яқинда бир кеча ўзбекистон гапининг ичида "инсончилик - нуқсончилик" деган иборани ишлатганда: одамнинг iklimи бетизгин! Бўлган сари бўлгиси келаверади. Талпиниб етишган гулу лолангиз қай муддатда сўлиса, эришган ютугингиз туфайли туйган бахтиёрлигингиз ҳам ўшанча давом этади, атрофингиз чандон тиллолансин, кўзингиз аста зерика бошлайди. Унинг устига, ақлга ақл қўшилган сари жисми жонингизда янгидан янги рухий ва маънавий эҳтиёжлар бино бўлаверади. Ҳар истагингиз ушалганда бир бахтиёрлик туяверасиз. Демак, бахтингиз, бахтиёрлигингиз сон-саногини, эрта-кечи йўқ! Неча ёшда бўлишингиздан қатъий назар, иншооллох, ҳали кўрасиз, ҳаётингизда бахтингиз минг бир чечаклари очилмай...

Олма дарахти қай даврда бино бўлган бўлса, шундан бери аслига ўхшаш яшайди: олмачасига барг чиқариб, олмачасига гуллайди ва тарам-тарам рангли олма бўлиб пишади. Бир жумла билан айтганда, у олма бўлиб, олмачасига кўниб яшайди! Унинг ютуғи шунда, шунинг учун харидори тирбанд! Ўригу гилос ва бошқа-бошқалар... ҳам шундай. Сиз ҳам шундай, биродар, бир боғдорсиз - фақат сиздагина унадиган неъматлар сонсиз, келаятган харидорларингиз унданда сонсиз!

Турсун Содиқова

## ҲАР ИНСОН - БИР НЕЪМАТ!



экан, аммо Хусайн Бойқаронинг замондошлари олқишига сазовор бўлган, дуо олгани қолди!

Аммо дунёда ҳамма Ой билан Кун эмас, ким баланд, ким қуйи! Ким эпли, ким мундоғроқ! Лекин ҳамманинг ўз ўрни бор - чумолининг ишини фил эпломлайди! Сизнинг ишингизни эса мен! Инсон қай ҳолатда бўлишидан қатъий назар, яхшими, ёмонми, барибир Яратганинг бетақдор ижодидир. У ўзидаги борига шукр қилишни, ўзидан яйрашни билмаётгани, унинг устига би-

- гул кўзни яшнатади, унинг мубталоси кўп, одамзод бутун умрини гулга буркагиси келади, нени севса гулга қиёс этади ва х. к... Аммо "ўтиннинг доғи бозори бор"! Бу турфа дунёдир! Қанча инсон бўлса, диди, эҳтиёжи ўшанчи хилдир. Мавжудлики бор - албатта унинг харидори бор. Бу дунёда керексиз нарса йўқ, атрофингиздаги, оёгингиз остидаги жами нарсанинг талабдори, қидириб келгучиси бордир! Гул нега гўддайиши керак, қанчони у ўтиннинг ўрнини боса олмас! Гул димофингизни яйратиб, кайфиятингизни кўтаради, ҳолос. Ўтин эса уйингизни иситади, қозонингизни қайнатади, демак, ўрни келса у жон сақлагичдир. Гулни ҳавасманд одамгина излайди, ўтиннинг қошига эса ҳамма ёппа боради. "Ўтинман" деб ўксинманг, биродар, ёки "Ўтинсан!" деб бировни ҳам камситманг, ки шоир айтгандай, ўтиннинг да ўз бозори ва харидори бордир. Кимдир Алпомишдай ўғиллари билан фахрланади. Кимдир биргина, у ҳам бўлса ногирон боласининг баҳосини бу дунёдан ортик қўяди, ҳар "болам" деганда кўздан шукронаси ўтдай қақнайди!

Инсоннинг ёшига ёш қўшилган сари тафаккури тобланиб, дунё ҳақидаги тушмақлари, ҳатто диди ҳам ўзгариб боради. Кеча ялпизни хуш кўрган кишига эртага жамбил маъқул кўриниши мум-

## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИДАН БИРИ

Республикамиз маданият маърифий ҳаётида ўчмас из қолдирганлардан бири - Носир Саидий... У Тошкент шаҳрининг энг нуфузли, бадавлат қозиларидан бири Шариғўжа Эшон хондонидан кенжа фарзанд эди. Носир туғилиб ўсган хондонда аралб алифбосида битилган ҳикматга тўла китоблар ҳам эди. Ёш Носир ана шу китобларни чанқоқлик билан ўқирди. Ўғлидаги ўткир қобилиятни пайкаган ота ўзи таъсис этган рус-тузем мактабига ўқишга берди. Ундан сўнг Носир Москва университетига кирди. Ушбу ўқув даргоҳини муваффақият билан битириб келиб муаллимлик қила бошлади. Носир Саидий аждодлар қолдирган бой маърифий-маънавий хазинани оммага етказувчи миллий кадрлар - муаллимларни тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У отасининг маблагги хисобига "Ўқчи" маҳалласида педагогика техникумини очиб, билимли ўқитувчиларни тақлиб қилди. Ўқув ва тарбиявий ишларни янгича усулда олиб борди. Ўқитиш жараёнида Мунаввар Қорининг илгор педагогик услубларидан кенг фойдаланди. Етти йилдан сўнг Носир Саидий Андижон вилояти маориф бўлими мудири этиб тайинланди. Андижон мактабларида илгор педагогик ислохотларни амалга

ошира бошлади. 95 ёшли Набижон ота Нусратиллаев Носир Саидий ҳақида шундай хотирлайди: "Мен Носир акани яхши билар эдим. Халқимизнинг маърифий-маънавий дунёсини бойитиш йўлида фидойий инсон эди". 1930 йили Носир Саидий 29 ёшида Ўзбекистон маориф вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаётганида, маърифий фаолияти аини қизгин пайтида НКВД томонидан ҳибсга олинди. Носир Саидий уч йил қоронғу камераларда ётган, 1933 йили Олий жазо-ўлимга ҳукм қилинди. Бу шухабардан сеvimли хотини Гулсум ая Саидова оғир рухий касалга чалинди. Икки кизи-Дилбар ва Раъно етимхонага жойлаштирилиб, олти ойлик Илгор эса домдараксиз йўқолади. Улим жазоси 10 йилга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилди. У 1940 йилда она шахрига қайтиб келади. Носир Саидий қизларини болалар уйдан, хотинини руҳий касалхонадан олиб чиқарди. Бирок, икки кун ўтган яна Тошкентдан бадарга қилинди. Оққўрган туманидаги бир қишлоққа кўчиб боради. Носир Саидий Сталин номига апелляция шикоятини ёзади ва партияга қайта тиклашларини илтимос қилади. Шу ариза сабаб бўлиб, НКВД ходимлари томонидан яна ҳибсга олиниб, узоқ Сибир

ўрмонларида 10 йил муддатли жазони ўташга ҳукм қилинди: У Омск шаҳрининг Осиповка қишлоғида жойлашган сибей маҳбустлар колониясида 1943 йили вафот этади. Носир Саидий фарзандларининг тақдирини қандай кечди? Бу ҳақда у кишининг қизи Раъно ая шундай дейди: «Биз синглим Дилбар билан она, на ота меҳрига тўйиб катта бўлди. Соғинч, армон доғида умримизни ўтказди. 42 йил трамвай бошқардим. Меҳнатини туфайли хурмат қозондим. Қанча шогирдларга устоз бўлдим. Фарзандларимни воёга етказдим. Шукр қиламан. Лекин ҳаммасидан ҳам, юртимизда қатағон қилинганлар хотирасини абадийлаштириш учун катта ишларни амалга оширишда бош-қош бўлган доно Президентимиздан мингдан-миг розиман. Бу улғу инсонга узоқ умр, соғомонлик тилаيمان. Ватан ва миллат учун яшаб курашган юртдошларимиз ҳаёти, фаолияти, улар яшаб ўтган ўша машъум давр ва тузем ҳақида фикрга толарқанман, биз ёшлар бугунимиз - Мустақиллигимиз қадрига етишимиз кераклигини, аждодларга муносиб ворислар бўлмоғимиз шартлигини кўнглимдан кечираман.

Олим НАРЗУЛЛАЕВ,  
Тошкент Давлат  
юридик институти  
талабаси

## СИЗ ДОИМ ТИРИКСИЗ



Сиз эса нафақага чикдингиз. "Тинчлик" маҳалласидаги мўъжазгина ҳовлида яшар эдингиз. Шу йилдан бошлаб мен сиз билан, сизга шерик бўлиб яшай бошладим. Умрингизнинг сўнги йилларида бирга яшаганимиз учун сизга ипсиз боғлини қолган эканман. Вақтингиз кучи-қурби етмаяпти, мен йиллар давомига деярли ҳар кун шунга амин бўляпман. Бувижон, мен фарзандларимга қараб сизни яна эслайман. Чунки сиз неварангизни туйини кўриб, чеварали бўлишни орзу қилардингиз, кийимчалар йиғардингиз. Мен эса, ёшлигимга бориб: "Буви қуйинг, шунақа гапларни", - деб гапни бошқа ёққа бурардим. Китоблар-у, қоғозларга қўмилиб, илмий ишимни эъзаётган пайтларим қанчалар кўнглимга қараб, нима биландир ёрдам бермоқчи бўлиб туришларингиз ҳамон кўз олдимида. "Неварам олима бўлади" - деб фахрланиб қўярдигиз. Бувижон, сизнинг вафотингиздан бир неча ой кейин номзодлик ҳимоясини ёқладим, вақт ўтиб оилали, фарзандли бўлдим. Сиз ният қилган, кутган воқеалар ҳаммаси содир бўлди, лекин сиз ёнимда йўқ эдингиз. Нима қилай, йиллар мени улғайтирса ҳам, ўша эрка неварангиз сифатида меҳри қарашингизни кўйсаман, лекин ҳеч қардан тополмайман. Сизнинг сурагингиз уйимнинг тўридан жой олган, чевараларингиз эсини танибдики, сизни гоийбадан билишда ва яхши кўришда. Уларни вақти-вақти билан Чинғотай мазоридаги қабрингизга зиёрат қилгани

Бувижон, бу ёруғ оламдан кетганингизга 11 йил бўлибди. Бувижон, сизнинг ягона киз неварангиз эдим. Мен мактабни тамомлагач, ТошДўга ўқишга кирдим. Сиз эса нафақага чикдингиз. "Тинчлик" маҳалласидаги мўъжазгина ҳовлида яшар эдингиз. Шу йилдан бошлаб мен сиз билан, сизга шерик бўлиб яшай бошладим. Умрингизнинг сўнги йилларида бирга яшаганимиз учун сизга ипсиз боғлини қолган эканман. Вақтингиз кучи-қурби етмаяпти, мен йиллар давомига деярли ҳар кун шунга амин бўляпман. Бувижон, мен фарзандларимга қараб сизни яна эслайман. Чунки сиз неварангизни туйини кўриб, чеварали бўлишни орзу қилардингиз, кийимчалар йиғардингиз. Мен эса, ёшлигимга бориб: "Буви қуйинг, шунақа гапларни", - деб гапни бошқа ёққа бурардим. Китоблар-у, қоғозларга қўмилиб, илмий ишимни эъзаётган пайтларим қанчалар кўнглимга қараб, нима биландир ёрдам бермоқчи бўлиб туришларингиз ҳамон кўз олдимида. "Неварам олима бўлади" - деб фахрланиб қўярдигиз. Бувижон, сизнинг вафотингиздан бир неча ой кейин номзодлик ҳимоясини ёқладим, вақт ўтиб оилали, фарзандли бўлдим. Сиз ният қилган, кутган воқеалар ҳаммаси содир бўлди, лекин сиз ёнимда йўқ эдингиз. Нима қилай, йиллар мени улғайтирса ҳам, ўша эрка неварангиз сифатида меҳри қарашингизни кўйсаман, лекин ҳеч қардан тополмайман. Сизнинг сурагингиз уйимнинг тўридан жой олган, чевараларингиз эсини танибдики, сизни гоийбадан билишда ва яхши кўришда. Уларни вақти-вақти билан Чинғотай мазоридаги қабрингизга зиёрат қилгани

олиб бораман. Қурьон тиловат қилиб йиғилиб қолган гапларини айтиб, енгил тортиб келаман. Халқ кўшиқларидаги сатрлар ёдимга тушади: **Ёндам десам чўгим йўқ, Куйдим-а десам кулим йўқ...** Бувижон, йиллар мени жуда кўп синовлардан ўтказди, ҳаётингиз паст-баландини тушуна бошладим. Сизнинг меҳрибонлигингиз, қундалик гамхўрлигингиз, ўқшдан ёки ишдан келишимни пойлаб ўтиришларингиз, гап-сўзларингиз ўша пайтлар мен учун табии ва доимий туюлган эди. Бу табии туюлган нарса ҳаётимнинг энг муҳим бўлаги, қайтмас бўлаги бўлган экан. Унинг доимий эмаслигини ўша дахшатли кунда (13 декабрь) ҳис қилдим, кейин унинг дахшати янада қувиқор билана бошлади ва умримнинг охиригача давом этади. Йиллар давомига ҳаётимда бирор қувончли воқеа бўлган бўлса, сиз билан ҳаёдан гаплашаман. "Бувижоним қанчалар қувонардилар-а", деб уйлайман. Ҳаётимда қийин кунлар бўлса "қанийди, бувижоним ёнимда бўлганларидо эди, икки оғиз ширин гаплари билан менга даъда бўлардингиз", деб уйлайман. Ҳа, беҳиз айтишмас экан, азиз одамларнинг вафотидан кейин иккинчи ҳаёти бошланади, деб. Бувим - Аҳмедхонова Халимаҳон 23 йилдан ортик Шайхонтоҳур тумани ФХДЕ бўлимида хизмат қилдилар. Қанчадан-қанча келин-куёвларни кутладилар, қанчадан-қанча оилаларни қақолоқлар билан табириқладилар. Ишонхонада катта хурматга эга эдилар, ҳеч кимдан ўз ёрдамларини аямас эдилар.

Ҳа, беҳиз айтишмас экан, азиз одамларнинг вафотидан кейин иккинчи ҳаёти бошланади, дедик. Раҳматли бувимнинг ҳам умрлари менинг, менинг фарзандларим, ота-онам, укаларим, қариндош-уруғлар, барча уларни яхши билган, уларни хурмат қилган инсонлар қалбидо давом этади. **САЙМОН ХОЛИМИРЗАЕВА**

## ҚАЛБИМИЗНИНГ ТАХТИ СИЗГА - СИНГИЛЖОНЛАР

Ёшим 22да. Баъзи қиз-жувонларимизнинг ўзлигини унутиб, ор-номусини бир қақага алмаштираётгани мени қаттиқ ўйлатади. Бизнинг ота-боболаримиз қандай улуг одамлар бўлишгани, биз уларнинг давомчилари эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Нима учун биз ўзлигимизни унутиб қўйдик? Ахир, қараса кўзини камаштирайдиган хонатласимизни қандайдир қора матога алмаштирадик. Кийимингиз ҳам майли, ўзингизга ярашган экан, кияверинг. Лекин менинг юрагимга азоб берган нарсаси - яқинда Тошкент-Термиз йўналишидаги автобусда кетаётиб, беихтиёр ёнимдаги ўриндикда ўтирган икки йигитнинг сўхбатини эшитиб қолдим. Улар аёлларимизнинг шаънини ерга урадиган гапларни гапиришаётган эди. Беихтиёр мен ҳам сўхбатга қўшилиб, улар билан "сен-мен"га бориб, ёқалашиб қолдик. Ахир аёлларимиз бизнинг қай биримизнинг оламиз ёки синглимиз, кўйингиз, ҳамюртимиздир.

Лекин, шу муносабат билан опа-сингилларимизга ҳам икки оғиз дил сўзим бор. Сингилжонларим, ҳаёт фақат ўйин-кулгу, дискотека ёки ресторандан иборат эмас. Бу ҳаётнинг Сизга чиройли тўхфаси жуда кўп. Биз, йигитлар Сизнинг қора сочларингиз, қора кўзларингизни, ҳаттоки, бир табассумингизни бутун дунё гўзалларига алмашмаймиз. Юртбошимиз шундай деган эдилар: "Аёлларимизни қанча улуғласак, ҳаётимизни чироғи, умримизнинг гули деб эъозласак-демакки, оиламизни, Ватанимизни эъозларган бўламыз..." Президентимизнинг бу дил изҳорлари назаримда юртимиздаги барча мард, ўтқор, диёнатли эр йигитларнинг ҳам қорловидир.

Биз ўзбек йигитлари Сиз хотин-қизларимизни шундай эъозлаб келаемиз. Сингилларим,

Сизлар ҳам ўзлигингизни унутманг. Она сугидек оқ номусингизни асраб-авайланг. Унутмангки, Сизлар келажақда муқаддас Оналар сафига қўшиласиз. Сизларни муҳаббат, садоқат, вафо, ибодат тарқатмасин. Эзгулик ҳаманша ҳамроҳингиз бўлсин. Сўзим охирида барчаңизга ушбу шеъримни ҳаёда этаман.

**Қалбимизнинг тахти сизга сингилжонлар, Омон бўлинг, бахтимизга сингилжонлар. Қадду-камол ато этиниш Аллоҳ сизга, Поклик бўлсин аҳдингизда сингилжонлар.**

**Узоқдаги нур ёритмас чехрангизни, Ҳаётда ҳеч адашмангиз, сингилжонлар. Севги деган бало шайтонсифат бўлар, Сехр домига тушмангиз, сингилжонлар.**

**Турмушда кўп аччиқ дамлар, ширин онлар, Сабри борлар ўрнин топар, сингилжонлар. Ҳаё, ибод бўлди бўлса номингизга, Сизга иқбол қулиб боқар, сингилжонлар.**

**Молу-давлат қўлингизнинг кири бўлсин, Ота-она раъйин қилинг, сингилжонлар. Садоқатнинг ахир хусни - меҳру вафо, Улуғларнинг пандин олинг, сингилжонлар.**

**Ўзбекистон, шу она юрт фарзандисиз, Унинг фахри бўлиб қолинг, сингилжонлар. Ақли расо қиз қадамин ўйлаб босар, Ой Барчиндай доврүг солинг, сингилжонлар.**

Шерзод МАМАРИЗЕВ  
Фалларок тумани  
Газчилар маҳалласи

## МАН-МАНЛИККА ЧЕК ҚЎЙИШ, ҚИЗЛАР...

Кунларнинг бирида пойтахтимиздаги 114-автобусда кетаётган эдим. Бир оддий йигитга кўзим тушиб қолди. Қандайдир қисиниб-қимтиниб туриши ва ёки оддийгина кийинган эканлигиданми, қишлоқдан келгани биллиб турарди. Автобусда одам кўп бўлиб, нарироқда қизлар қикир-қиқир қулишиб турарди. Йигит қамтарин-камсуқум бўлса-да, "Қани эди, менинг ҳам худди шундай ўғлим бўлса экан", - деб орзу қилса арзийдиган кўркам кўриниши эди. Автобус икки бекат юргандан кейин ўша бола тушмоқчи бўлиб, олдинга ҳаракат қилган эди, қизлар қулишиб, унинг йўлини тўсиб олишди. Йигит: "Қизлар, илтимос, ўтказиб юборинглар", - деди. Йўл бериш ўрнига қизлардан бири шаллақилиқ қилиб: "Вой Нарғиз, қочгин, йўл бергин", - деб айдию, лекин ҳеч қайсиси бир қадам ҳам силжимади. Охири йигит қисилиб-қиқилиб тўндию, қизларга: "Раҳмат йўл берганингиз учун", - деб кесатиб тушиб кетди. Шунда қизлар: "Арзимаиди, арзимаиди", - деб унинг устидан қулишиб қолди. Бу ерда йигит бола раҳматни қарзга бериб кетди-ку, қизлар унинг устидан қулиш ўрнига беодобликлари учун уялишлари керак эди. Қизлар бу йигитни нега калака қилди? Ахир, камбағаллик айб эмас-ку? Бундоқроқ кийингани билан у ақлли бола экан, шунча қулгу бўлса ҳам ўзини тийиб турди. Бу болага тан бериш керак. Бошқа одам бўлганда,

"Ҳали жийда гулламаган шекилли", - деган бўларди. Автобусларда, жамоат жойларида ўзини нотўғри тутган қизларимизни кўрганимда мен бир йигит сифатида қўйналиб кетаман. Шу муносабат билан мен қизларимизга ахлоқ-одоблари хусусида жиддийроқ ўйлаб қўришларини маслаҳат берган бўлардим. Бу борада биз ўзимиз ҳам айбдормик, деган фикрдаман. Ўша автобусда йўловчи кўп эди-ю, лекин ҳеч ким ўша қизларга негадир танбех бермади, тартибга чақирмади. Томошабин бўлиб тураверибди. Ахир, ўша қизларни кўрсангиз, мактаб ёки коллежда ўқийдиган талабалар. Ота-оналари, устозларидан ҳар куни ўғиту маслаҳатлар эшитишса керак. Нега риюя қилишмасикин? Ахир, яхши бўлишса ўзларига фойда-ку.

Биз ўзбек қизлари деганда одобли, ақлли-хушли, сўзлаганда тилидан бол томувчи қизларни кўргимиз келади. Чунки, улар эртага бир хонадонга келин бўлиб боришади, оила бекаси, она деган ном ҳам олишади. Инсоннинг бахту саодати унинг ҳаётда ўзини қандай тутишига ҳам боғлиқ. Айниқса, қиз бола хушхулқ бўлса, ҳаммининг назари, эътибори, ҳурматини қозонади. Бундай қизни ҳар ким ҳам ҳавас билан келин қилгиси келади.

Сиз кўнлингиздаги, юриш-туришингиздаги энгил-елли хою-ҳаваслардан воз кечиб, ўзингизни чинакам бахту тахтли ҳаётга чоғланг, азиз қизлар!

Илҳом ПАРДАЕВ,  
Тошкент вилояти  
Педагогика  
билим юрти талабаси

**Хатлар**

**Хатлар**

## БИРИНЧИ МУАММИГА

**Юнусобод туманидаги 247-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муҳаббатхон йўлдошев-га.**

Биринчи сентябр! Биринчи синф! Биринчи ўқитувчим! Мактаб дея аталмиш муқаддас даргоҳга илк бор қадам қўйганимда меҳр ила қаршилаган азиз устозим, Муҳаббатхон опа!

Устозим, эсингиздами, 1991 йилда бизни, яъни 1<sup>а</sup>-синф ўқувчиларини қаршилаб олганингиз. Бизни шинамгина, ўқув қуроллари билан безатилган хонага олиб кирдингиз ва шу ерда 3 йил давомида ўқиб, таҳсил олдик.

Эсингиздами, ҳаммамизни беҳад суярдингиз. Сизнинг берган сабоқларингиз, панду-насихатларингиз ҳамда танбехларингиз бутун ҳаётимда далда, таянч бўлаяпти.

Ўша вақтда касбингиз мурақабалигини, 25-30 ўқувчини кўнглига йўл топиш, уларнинг энг яқин сирдошига айланши осон эмаслигини тушуниб етмаган эканман. Энди афсусдаман.

Устозим! Сизни тарбиянгиз туфайли ҳозир Тошкент Юридик коллежида таҳсил олаяпман. Устозим, ҳар доим юзингиздан нур, қалбингиздан меҳр аримасин.

Устозим, сизга бағишладим шеъримни,  
Гўзал сўзлар билан бошлай тилакларимни,  
Улуғ касб соҳибни - узоқ бўлсин умрингиз,  
Ҳамиша болаларга тўлсин бағрингиз.

Барно АХМЕДОВА

## ЙИГИТЛАРДАН ЖАВОБ КУТАМАН

Бугунги кунда 20, 21 ёшга тўлган қизларга "Қари қиз" деб қаралиши мени ўйлатади.

Ўзим 1980 йил дунёга келганман. Худода минг қатла шукрки ўқиганман. Урта махсус маълумотлиман. Машаққатли бўлса-да лекин шарафли касб эгасиман. Ўқитувчиман.

1991 йил Тошкент вилоят Педагогика билим юртига ўқишга кирдим. Ўшандан отам ва амакиларим: "Мана ўқишга кирдинг, энди бизнинг юзимизни ерга қаратмагин, йигитлар билан кўча-кўйда гаплашиб, маҳаллага гап-сўз бўлмагин", деб панд-насихатлар қилишган эди. Мана шу кунга қадар насихатлари ҳали-ҳанузгача қалогим остида харанглайди. Отанамни юзларини ерга қаратмай, бир гапларини икки қилмай деб бирон марта ҳам йигитлар билан гаплашмадим.

Мана, 21 ёшга қадам босаяпман. Шу кунга қадар уйимизга совчилар келишмади. Маҳалладаги бир-иккита кўни-қўшниларнинг айтишларича бир, икки жойдан мени суриштиришганимшу, лекин ёшим 20 да эканлигини билиб, "Мен ўғлимга 18 ёшли қизни олиб беришим керак", - деб кетишганимш. Қисқаси, мен "қари қиз" эмишман.

Тўғри, ўқиган пайтларимда "сўз отган" йигитлар ҳам, ҳар оқлаи ўз кўнгиларини очган йигитлар ҳам бўлган. Лекин уларнинг ҳеч бири менинг юрагимдан жой олмаган.

Тўғри, ташқи кўринишим гўзал бўлмасам-да, лекин менинг юрагим қат-қатидаги орзулар жуда ҳам гўзалдир.

Ёшлигимда ҳарбийларни кўрсам жуда

ҳавас қилар эдим. Мактабда ўқиб юрган кезларимда эса турмуш ўртоғимни ҳарбий бўлишни орзу қилар эдим. Яна бу сўзларим бошқа йигитларнинг кўнглига қаттиқ ботмасин.

Қисқаси, энди мен ҳам ўзимга муносиб йигит танлашга тушдим. Хайронман, нима учун 30 ёшга тўлган, ёки 25 дан юқори бўлган йигитларни "Қари йигит" деб аташмайди-ю, ёши 18 дан ошган қизлар бугунги кунда "Қари қиз" ёки "Ўтириб қолган қиз" деб ном олишапти?

Мен шу саволимга йигитлардан жавоб кутаман. Хўш, юрағида ўти борлар, сиз бунга нима дейсиз?

Д.  
Кибрай тумани

## ЎТАЁТГАН КУНИНГИЗНИ ЎЙЛАЙСИЗМИ?

Мана, қишнинг қисқагина кунларидан яна бири ҳам ўтди.

Ҳеч эътибор берганмисиз сиз кунингизни қандай ўтганига?

Тонг отгач, уйкудан уйғонамиз-у, бизни шу кунларга етказган Аллоҳ таолога, ҳатто қишда ҳам биздан ўз нурини, илик тафтини аямаятган саҳий қуёшга, бу рўю заминга шукроналар айтишни унутганча қай биримиз ишга, яна биримиз ўқишга шошамиз. Кун ўтади. Кечқурун уйга қайтамыз. Овқат, дарс, телевизор, уйку...

Тўғри, баъзилар учун ундай эмасдир, лекин кўпчилик учун бу одатий ҳол. Бундай ўйлаб кўрайлик-чи, қай биримиз ўзимизга: "Хўш, бугун кимга яхшилик қилдим? Кимга нима қаромат кўрсатиб, ўз умр дафтаримга яна бир савобни қўшиб қўйдим? Кимга ҳеч бўлмаса бир оғиз ширин сўз айтиб, кўнглини кўтардим? Хўш, бу одамларда ўзим ҳақимда қандай таассурот қолдирдим? Ҳеч кимга кўпол гапириб, озор бериб қўймадиммикан? Орқамдан ёмон ўйлашларига йўл қўймадиммикан?" - деб савол бериб кўрамыз.

Кўлинг, четдан бир қарайлик-чи, ҳаётимиз зерикарли бўлиб кетмадиммикан? Узимиз аса лоқайд, бепарво бўлиб кетмаймизми? Бир қолипга тушиб қолмаяпмизми? Жуда кўп нарсага кўр-кўрона ишонадиган, фикрлашимизда дунёқарашимиз эса паст даражада бўлиб қолмаяпми?

Биласизми, биз ўқувчилар кўпчанча дарсда ўтирганимизда ўқитувчи нима деса, шуни илби оламиз, бўлди. Ўтилаётган мавзу бўйича савол-жавоб, баҳс-мунозаралар камдан-кам бўлади. Нимага? Бу ўқувчи шу мавзу ҳақида умуман маълумотга эга эмаслиги учунмас, йўқ. Балки, баҳс-мунозараларга ўқувчида лаёқат, хоҳиш-истак йўқлиги учун. Қаёқдан ҳам бўлсин? У ҳам баҳслашиб, том маънода талашиб, тортишиб юрган одамларда бўлади. Бизда-чи? Кексалар айтишади: "Кичикингимизда бир уйга тўп бўлиб йиғилиб олиб, китоб мутлола қилардик. Ўқиб бўлгач, шу китоб ҳақида, қаҳрамонлари ҳақида ўйлаб, баҳслашиб, тортишиб, баъзан тонг отганини сезмай қолардик..." Биз-чи? Биз шу бугун ўтаётган кунимизда ҳеч бўлмаса бир соат мутлола учун вақт ажратдикми?

Лицейимизда Ҳасан ака деган ажойиб физика домласи бор. Шу киши бир куни - Амри маъруфда бир домланинг маърузасига қулқ солиб кўрсалар: "Ҳай, му-

сулмонлар. Эшитдингизми, япон олимларининг аниқлашича, Қуръон китобидан нур чиқар экан", - деяётганимш. Вахоланки, бундан 150 йил олдин, абсолют қора жисмлардан бошқа ҳамма нарсани уздан нур таратишини фалон немис олими ўрганиб, аниқлаб, ҳатто формуласини тузиб кетган. Буни 9-синф ўқувчиси ҳам билади. "Лекин, мен шу гапларни айтолмадим. Биласизми, нега? Чунки, айтсам одамлар мени устимдан қулишади. Шунана, ҳозир одамлар қўлларига китоб олиб, ул-бул нарсани ўрганиш, фикрлаш доираларини ошириш ўрнига ўз мустақил фикрларига эга бўлиш ўрнига ўзгалар сўзига ишониб кетишади", - дейдилар. Айтинг-чи, бу ҳам лоқайдликнинг бир белгиси эмасми?

Қаранг, бугунги кунимизнинг туғашига озгина бўлса-да, ҳали вақт бор. Келинг, шу озгина вақтни ҳам шод-хуррамлик билан, жонли, завқли қилиб ўтказайлик. Бир-биримизга яхшилик қилайлик. Токи, умримиз беҳуда ўтмасин.

Саодат АБДУРАҲМОНОВА,  
Тошкент шаҳридаги  
Солиқ лицейининг  
11-синф ўқувчиси

- Айланай, қизим, мен бир ногирон аёлман, дея сўз бошлади телефон қилаётган аёл. - Гапларим малол келмас айтмай. Мен-ку бу дунёда умрини яшаб бўлган одамман. Лекин гап 15 ёшли бир ўсмир қизча ҳақида кетаяпти-да. Уйлай-уйлай сизларга кўнғироқ қилаяпман. Ё бирор маслаҳат берарсиз ёки бирор ёрдамми... Билмадим.

Аёл бир муддат тин олди ва сўзлай бошлади.

- Бундан 16 йил бурун кўчада жомадон кўтарган бир қиз: "Холажон, маҳаллангизда ижарага қўядиган одам

га унинг қаерда туришини ҳам айтмаганди. Тошкент катта шаҳар бўлса... Яна ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз қолдим. Унга жуда ўрганиб қолганлигимни сездим. Изламоқчи ҳам бўлдим. Бироқ иложисиз эдим. Чунки ўзим бефарзанд эдим. Шугина билан овуниб қолгандим.

- Эртасига тонг сахарда эшик тақиллаб қолди. Ким экан тонг сахарда келган? - деб ҳайрон бўлдим. Чиқсам Жамила, опаси билан келибди. Хурсанд бўлиб кетдим. Боласини қўлидан олдим. Уйга кирдик. Кейин қарасам ойдеки қизалоқ денг. Бирданига меҳрим товланиб кетди, қизчага. Жамила

**Кўнғироқларнингиздан бири**

ратиб қолдим. Айтишчи, Жамила турмушга чиқибди. Унинг иккита ўғли бору лекин қиз йўқ экан. Балки Аллоҳ унинг бу қилмиши учун қиз фарзанд бермадимики? Юрагимда сал умид пайдо бўлди. Балки, қизини эслаб келиб қолар бирор кун деб ўйлардим...

- У келмайди? Хат-пат ҳам ёзгани йўқми?

- Келди. Бир марта. Иккита ўғлини олиб келди. Назирага: "Шу онанг бўлади", - деди у қочиб уйга кириб кет-

- Ким билади. Лекин бировдан эмас, ўзимдан эшитгани, очигини билгани яхши деб ўйладим-да.

- Шуни газетага босиб чиқарсак ёрдам бўлармикан? Жамила ўқийди деб ишонасизми?

- Албатта ишонаман. Уни ўшанда Навоий вилояти Томди туманидаги мактаблардан бирида ўқитувчи бўлиб ишлаётганлигини айтишганди. Ўзим мажруҳ бўлиб қолганимда олиб борардим. Чунки менга индамаса ҳам онасини жуда-жуда соғинаётганини сезаяпман. Менга билдирмасликка уринади. Лекин етмишдан ошган мендек кампирдан буни яшириб бўлармиши? Шуни ёзинглари, илтимос, Жамила ҳам

ўқиса зора... Мен қариб қолганман. Мендан кейин... Назираганиман кенг дунёда ёлғиз қолиб кетишини истайман.

Аёл жим бўлиб қолди. Бироздан кейин: "Майли бўлмаса, мана бу телефонни ёзиб олинг. Агар телефон қилинса берасиз. Шуни айтишни истардимки, ҳозир Назирага моддий ёрдам зарур. Менинг нафақам Назира иккимизни таъминлайди. Бироқ, у мактабдан ташқари, инглиз тилини ўргатувчи курсларда ҳам қатнашапти. Хар ҳафтасига 2 мингдан тўлаймиз. Унинг истеъдоди бор. Шуни рўёбга чиқаришим керак, деб ўйлайман. Хар ҳолда онаси билан иккимиз бирга ёрдам берсак, дейман.

Аёл хайрлашиб телефонни қўйди. Мен эса 15 йил орқага қайтдим. Бу Назира исмли қизгина менинг қизим билан тенг экан.

Ушбуларни қозоғга тушириб бўлганимда эшикдан бир қиз кириб келди. У келиб саломлашиб стулга ўтирди. - Кел қизим, - дедим унга. - Менинг исми Назира, - деди у самимийлик билан. - Сизга ойм телефон қилмоқчи эди... - деди у секингина. - Сен "Ракаат" маҳалласидаги Манзура опанинг қизимми? - дедим таажубимни яширмай. Ҳозиргина гаплашдим у билан.

- Ха, ойм юборди. Биласизми, мен ўқишни истайман. Компьютерни ўрганишни истайман. Онам эса Назира билан анча гаплашдим. Онаси ҳақида сўз очганимда чуқур хўрсинди. Қўзларига ёш тўлди. Лекин ўзини тутиб олди.

- Опажон!-дея гап бошлади у. - Мени шу онам катта қилди. Уни яхши кўраман. Ҳозир эса мажруҳ бўлиб қолган. Иккимиз унинг нафақасига яшаймиз. Мен ўқийман керак. Ҳала келгусида яхши касбнинг эгаси бўлам. Ҳозирга...

Назирага албатта ёрдам беришини айтиб хайрлашдим.

**ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз юртдошлар! Сизларнинг орангизда мурувватли инсонлар кўп. Газетамизга қизларга ҳунар ўргатувчи бир нечта пуфузли фирмалар доимий реклама беришади. Улар орасида эса замонавий компьютер ўқишини, инглиз тилини ўргатадиган курслар ҳам бор. Улар орасида шу Назирага компьютер ўқишини бепул ўргатиш учун ҳомийлар албатта топилди, деб умид қиламиз.**

**Назиранинг телефон рақамини таҳририятдан олишингиз мумкин. Биз айрим сабабларга қўра исмларини ўзгартирдик. Лекин Жамила ҳозир яшайдиган Навоий вилоятининг Томди тумани аслича ёзилди. Жамила ҳам қизига ёрдам қўлини чўзади, дея умид қиламиз.**

БАСИРА

**ОНАГА ЗОР ЭТМАСИН...**

борми?", деб сўради. Қиз истараликка экан ёқиб қолди. Унга: "Менинг уйимни кўргин, агар истасанг бирга тураимиз. Менинг ҳеч кимим йўқ. Катта ҳовлида ёлғизман", - дедим. Хуллас у билан она-боладек бўлиб яшай бошладик. У институтда ўқирди. Шаҳар нуқси уриб орастагина бўлиб қолган, кийимлари ярашиб кўзга яқин бўлиб борарди. Мен эса бундан хавотирга тушардим. Хар кунни ўқишга кетаётганида қайта-қайта эҳтиёт бўлиб юришини тайнлаб юборардим. Кейинчалик у ўзгарди. Маъюс бўлиб ранглари сўлгинлаша бошлади.

Охири нима бўлганлигини сўрадим. Қиз эса (унинг исми Жамила эди) йиғлаб ҳомилдор бўлиб қолганлигини айтди.

- Сиз уни бу қилмиши учун койдингизми? - сўрадим мен.

- Ха, қаттиқ уришдим. Ер титраб қараганди, йиғладим. Чунки у ўз қизимдек бўлиб қолганди-да. Унга фақат яхшиликни соғинардим.

- Кейин нима бўлди?

- Хуллас, гуноҳдор йигитнинг қилмигини айтмади. Нима қилиб бўлса ҳам боладан қутулиши кераклигини айтди. Эртасига ўқишга юбормадим. Бир танишим туғруқхонада ҳамшира бўлиб ишларди. Унинг олдига қизни етлақла олиб бордим. Лекин кеч бўлган, болани олиб ташлашинг асло иложи йўқ экан. Бир аҳволда уйга қайтдик.

- Йигитга бу ҳақда хабар бердингларми?

- Э, қуриб кетсин. Йигит ўлгур келиб бир неча марта қиз билан жанжаллашиб кетди. Мен орага тушиб ҳам кўрдим. Қарасам бўладиган савдога ўшамайди. «Қўй, энди Жамила, пешонангдаги бўлар», - деб уни юпатдим. Ойлар ўтиб Жамила қиз тугди. Мен: «Уни туғруқхонага ташлаб кел», - деб айтдим. Лекин Жамила кўнмади. Билсам, у ўша туғруқхонада танишиб қолган бир аёлнинг уйига бормоқчи бўлибди. Лекин унинг ўта баджаҳл акалари бор экан. Келиб босса жанжал, тўпалон қилишди. Чунки улар менинг уйимга келишган эди. Уни урмоқчи бўлишди. «Болангни йўқот, уйга барибир киритмаймиз», - дейишибди. Мен ҳам койганимдан кейин Жамила нарсаларини йиғга бошлади. У ўша хотинниқига кетди.

- Сиз ўша уйга бормадингизми? - сўрадим.

- Йўқ, мен-ку, борганим йўқ. Лекин боргим келгани билан Жамила мен-



эса тарадудланарди. Ундан нима гаплигини сўрадим. У эса: "Холажон, сиз онамдек бўлиб қолгансиз, бу ерда сиздан бошқа ишонган одамим йўқ. Мен Навоийга кетаётгандим. Бориб бир ҳафтада қайтиб келаман. Шу қизчамга қараб турсангиз..." деди. Мен йўқ дёя олмадим. Шу билан Жамила опаси иккиси кетишди. Мен қизчага сут бери боқа бошладим. Орадан 3 ой ўтганида Жамила келди. Қизи дўмбоқина бўлиб қолганди. Яна келаман деб кетдию...

- Бу вақт ичида қизча сиз билан қолавердимми? - деб сўрадим хайратимни яширолмасдан.

- Қизчанинг исмини Назира қўйган экан. Гувоҳномасини ҳам олиб кетиб қолганди. Назира оппоққина, чиройли, жуда суйгудек эди. Уни олиб қолганимдан ҳам, боқаётганимдан ҳам афсусланмадим. Ёлғизлигим учун Аллоҳнинг ўзи юборган инояти, деб билдим. Лекин мени Жамиланинг тақдирга қизиқтирарди-да. Бир-икки марта у ўқиган институтга бордим. Уни билган, кўрганлардан сориштирдим. Билсам, у ўқишини битириб дипломини ҳам олиб кетган экан. Лоақал қизини кўргиси келмабди, - деб ўйладим. Агар иложи бўлмаса қизимни сиз бокаверинг, деса хафа бўлмас эдим. Хар замонда бир келиб қуриб кетаверса рози бўлардим.

- Қизчани боқчага, кейин эса мактабга бердим. Барибир Жамиладан хабар топиш умидида эдим. Балки акаларини келиб уни ўзлари билан кетишга мажбур қилишгандир, -деб ўйлардим. Бордан келаётиб бир таниш қизни уч-

ди. Қарасам, йиғлай-йиғлай ухлаб қолибди. Гаплашгим ҳам келмади. Ўзи аслида унга буни айтмоқчи ҳам эмасдим. Лекин мактабга боргач у ота-онаси бор ўртоқларининг уйига борди. Шундангина ота-она нималигини тудунди, шекилли келиб мендан уларни сўрай бошлади. Алдаб ҳам кўрдим бўлмади. Кейин айтдим. Хафа бўлмайман деб ваъда берувди. Лекин чидалмади. Ерга ўзини отиб йиғлади. Зўрга овутидим. Мактабда ўқиши яхши. Инглиз тилини ўрганапти. Ҳозир дурустгина билади. Лекин менинг аҳволим оғирлашмоқда. Кундан-кунга касаллик ўзишини қилапти. Менинг ҳолимни кўрган Назира эса кейинги пайларда мактабга боргиси келмайди. Ишга кирсаммикан, - дейдимий. 15 ёшли қизчани ким ишга оларди деса,м, ўртоқлари билан аллақайси фирмада идиштовок ювадиган бўлиб кирмоқчи эмиш. Уни койиб ўқишинга бор, деса ҳам баъзан унамайди. Менинг аҳволим эса бундай... Уни назорат қилолмай қолсам... Умид билан шуни бокиб, суняиб қолганман.

- Онасини ҳозир ҳам қутаяпсизми?

- Аслида уни безовта қилмоқчи эмасдим. Лекин икки-уч марта хат ёздим. Адреси бор эди. Кейин эса ўзига ҳам ёздирдим. "Ойижон, сизни соғинаяпман. Келинг, ойижон!" деб ёзди. Яна жавоб бўлмади. Назиранинг ўртоқлари "ая" деса у ҳам мени "ая" дегиси келади. Ўз онаси меҳрини кўмсайди-да.

- Холажон, агар Назирани онаси келиб олиб кетиб қолса нима қиласиз? Унга ўрганиб қолдим деяпсиз-ку...

- Майли, олиб кетиб, оналик насихатларини қилсин! Бир-бирининг дийдорига тўйишсин. Шуни яхши биламанки, Назира мени жуда яхши кўради. Олиб кетсин демайман. Фақат Жамила қизидан бохабар бўлиб туришини истайман. Ўқишига ёрдам берса... Унинг шунчалик тошмехр эканлигига ишонмайман. Шундай бўлганда у қизини туғруқхонада ташлаб кетган бўларди. Менга ташлаб кетганида кийимларини, йўрғакларини шу қадар ҳафсала билан дазмоллаб қўйганидан билганман унга ҳам оғир бўлганини. Шароити йўқми, акаларидан қўрқаяптими? Ёки оиласининг беҳаловат бўлишини истамаяптими? Билмади м.

- Назирага бу ҳақда очик айтиб берганингиздан кейин унинг феълида ўзгариш бўлмади? Ўсмир қизлар бу вақтда жуда дедиричдан бўлишади-ку. Эҳтимол шуларни ўйлаб мактабдан совигандир?

Мухтор ШОҲОНОВ,  
қозоқ шоири

## ЭРКАКЛАРНИ БАҲОЛАШ ЁКИ АЁЛЛАРГА БЕРИЛГАН ИМКОН

ЯНГИ ОИЛА ҚУРАЁТГАН ЕНДЛАРГА

Қадимий Ўтрорда бир чол яшарди,  
У чолнинг бор эди бир чопқир оти.  
Отнинг феъл-атвори кўп қайсар эди:  
Ўлса ҳам ариқдан ичмас эди сув,  
Чанқовин булқудан босарди фақат,  
Жини ёқтирмаган кишиларини  
Яқин йўлатмасди ўзига.

У чолнинг чиройли бир қизи бўлиб,  
Йигитлар боқарди унга суқ билан.  
- Ота! - деди шу қиз кунлардан бир кун,  
- Бунисини сотиб бошқа от олинг.  
Бошга урамизми қайсар фақат,  
Гапга кирмайдиган бундай иблисни?!

Ота маънос тортиб хўрсинди чуқур:  
- Қизим, айтган гапинг менга ёқмади.  
Тўғри, сал асовроқ отимиз, аммо  
Отларнинг шоҳи бу - қуюндай учқур.  
Минглаб чопқир отлар - тулпор, бедовлар,  
Пойгаларда бахтин синаб кўрганда,  
Ҳаммасини ортда қолдириб елдай,  
Маррага биринчи келар ўқ бўлиб.  
Юртимизнинг шаънин кўтарар доим -  
Ёяр номимизни бутун жаҳонга.  
Наҳот шу мардона иши учун ҳам  
Қайсар феъли билан чиқишолмасанг!  
Чопқир отга ўхшар ҳақиқий эркак.  
Ох, қизим, сен бундай атворинг билан  
Бахтсиз бўласан-ов...

Агар тақдир сени бир кун  
Қаттиқ феъл,  
Кучли эркак билан бирлаштира-чи!  
У ҳолда нетасан?  
Унинг қадрига  
Етмайсанми дея кўрқаман, қизим...  
Қараб турсам,  
Сенга маъқулдир кўпроқ  
Қатъиятсиз, юввош, лаванг қирчанги.  
Минсанг-у,  
Бошқарсанг хоҳлаганингдай...

Ўтрорлик ровийлар айтадиларки,  
Ота хавотирни ҳақ бўлиб чикди.  
Ҳаётда у қизнинг бахти чопмади...  
Эрни эр қилгайдир ор ила номус.

Эркакшода хотин,  
Хотинчалиш эр -  
Худди табиатни мазох қилгандай,  
Худди ҳақоратли ёлгон сингари  
Одамда ёқимсиз туйғу уйғотар.

Ҳар бир жинс гўзалдир ўз васфи билан.  
Ётларнинг пинжиги тикилаверса  
Эркакни эркакка санаб бўларми?  
Ўз фикри, ўз феъли бўлмаган эрлар  
Жонига тегди-ку бугун ҳамманинг!  
Худо кўрсатмасин:  
Шундай эркаклар  
Бутун мамлакатга бошлиқ бўлсам,  
Қани, келтиринглар кўз олдингизга  
Нима бўлар эди,  
Нима бўлади?!

Доно хотинлар бор, Худога шукр:  
Синавермайдилар, бахтсизлик келса,  
Кўзини ёғ босмас, бахтини топса.  
Барча афзаллиги, нуқсонини билан  
Ўз чекига тушган эркакларини  
Эр деб қабул қилган сабр-тоқатли  
Хазрати Аёлга шараф-шон бўлсин!

Жонгинам,  
Сен сулув ва ёқимлисан,  
Сабрсиз кутасан бахтли паллангни.  
Лекин, билиб қўйки, ёруғ дунёда  
Хатто вақвақлаган қурбақанинг ҳам  
Ўзига яраша саодати бор.  
Ҳақиқий бахт эса, мағрур оққушнинг  
Ўхшайди самовий гўзаллигига  
Ва асов тулпорнинг чопқирлигига.

Ишон менга, жоним, эртами-кечми,  
Ҳар қандай аёлдай сенга ҳам бир кун  
Бир имконни тақдир ҳавола қилар-  
Учраштира албат чин эркак билан,  
Балки, ул эркакнинг феъл-атвори  
Ўхшагай Ўтрорнинг чопқир отига.  
Хушёр бўл, хатога йўл қўйма асло,  
Балки, бўлмас сенда ҳеч бошқа имкон.

Миразиз АЪЗАМ таржимаси

## БАХТЛИ БЎЛИШГА ҲАҚКИМИЗ БОРМИ?


Менинг бошимда ҳам кўп йиллардан бери ўз ечимини тополмаётган бир чигал муаммо бор. Бу ҳам бўлса азалий "севги" муаммоси. Мактабнинг охириги синфларида ўқиб юрган кезларим эди. Ўзимдан бир синф юқорида ўқувчи қизга ишқим тушиб қолди. Унинг хушфеъллиги, сохибжамоллиги, айниқса мактабдаги энг аълочи ва фаол қизлардан бири эканлиги кўпчилиكنинг эътиборини тортибгина қолмай, унга севаги изҳор қилувчиларнинг сонини кўпайтирарди. Мен ундан бир ёш кичиклигим, ўзимни унга тенг кўрмаслигим, унинг олдида ёш боладек оғиз қолишлигим унга нисбатан бўлган хис-туйғуларимни қалбимнинг узоқ бир бурчагига яшириб қўйишга мажбур этарди.

Шу тариқа бир неча йил ўтди. У педагогика олий ўқув юртига ўқишга кирди. Унинг ўқиши, юриш-туриши менинг доимий қизиқишимга сабаб бўлди. Мен ҳам университетнинг физика факультетига ўқишга кирдим. Гоҳ метрода, гоҳ кўчада кўриб қолсам, у мен учун бир олам қувонч олиб келар, ҳафталаб кайфиятнинг аъло даражада бўлиб юрардим. Бу ўртада армия сафига қақрилиб бир ярим йил йигитлик бурчимни Қашқадарёда ўтаб келдим. Шу бир ярим йил бутун умрим орзусини остин-устун қилиб юборди. У қиз билан ваъдалашмаган бўлсам ҳам бахт менга кулиб боқшини, барибир ҳаётда ўз мақсадимга эришишим мумкинлигини хис қилиб яшардим йиллар давомида. Йўқ, бундай бўлиб чиқмади, қиз турмушга чиқиб кетибди. Мени ундан хафа бўлишга ҳаққим йўқ, чунки кўп йиллик севгимдан уни хабари йўқ эди. Йиллар ўтди, у бир ўғиллик бўлди, ўқинини тугатиб, боғчада ишлаш бошлади. Бу ўртада мен ҳам олийгоҳни тугатиб, илмий-текишириш институтида илмий ходим бўлиб иш бошладим.

Онда-сонда узоқдан бир кўрсам ўзимни бахтиёр хис қилардим. Қалбим жароҳати таскин топгандай бўларди. Эшитишимча, унинг турмуши яхши эмас эмиш. Қайнониси бир неча бор турмуш қуриб ажралишган, эри бўлса асабий одам экан. Анча қийинчиликлар кўриб, ўғилчаси билан ота-онаси оиласига қайтиб келишга мажбур бўлибди. Азалий урф-одатимизга кўра, турмушга чиққан, унинг устига болалик аёлга уйланмаган йигитнинг оғиз солиши, ота-онанинг орзу-хавасини оёқ ости қилиш билан баробар саналади. Ўзимнинг севгимга эришишим учун

албатта қаттиқ қаршиликка дуч келишим, қариндош-уруғ, маҳалла аҳли ўртасида носоғлом фикр туғдиришим мумкинлигига ақлим ётиб турибди. Лекин шундай имконият туғилганда қалбим кўрида йиллар давомида асраб-авайлаб юрган муҳаббатимдан воз кечолмайман.

Унинг шаънини ҳам ўйлаган ҳолда, олдига яқинлашиб, севгимдан воқиф қилиш учун ҳам куч тополмайман.



О. муҳаббат

Бориб-бориб тез-тез мени безовта қилаётган юрагим оғир хасталикка дучор бўлиб, ётиб қолишимдан кўрқаялман. Чунки юрагимнинг бирдан бир давоси ўша - саккиз йилдан бери асраб ўзим учун ҳам бир сир сифатида авайлаб келаётган муҳаббатим... Ота-онам мени уйлантириш тараддудида кўп қизларни кўрсатишди. Лекин ҳеч бири менинг қалбимда у уйғотган хис-туйғуни, у ўргатган олам гўзаллигини уйғотолмади. Мен фақат унинг дунёда борлигидан, унга бўлган севгимдан келажакка интилиб яшайман. Унинг севгиси орзусида уйқудан турарман; унинг севгиси билан тирикман. Фақат унинг севгиси мени келажакка интилиб яшашга, орзу қилишга, одамларга яхшилик қилишга ундайди.

Халқимизга хос қадриятларимизни ҳурмат қиламан. Лекин турмуши бузилган аёлнинг тенги хотини ўлган ёки турмушдан ажралган эркак деган ақидага бутунлай қаршиман. Турмуши бузилган аёлнинг ҳам келажакда бахтли бўлишга, уни севган йигитни бир умр бахтли қилишга ҳаққи бор-ку ахир. Мен ҳам ўз навбатида кўп қийинчиликлар кўриб, ҳаётда хўрланган ўз севгилиمنى қафимда кўтариб юриш учун куч-қувватимни, ақл-заковатимни аямасликка ҳаракат қилардим.

Ота-онам қалбини жароҳатламай ўз севгимга эришиш йўли бормикан? Маслаҳат бering, юртдошларим...

АНВАР

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва «Оила ва жамият» газетаси жамоаси қўмитанинг бош мутахассиси Саёҳат Иброҳимовга опаси Сауда ГУЛМЕТОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



М. НУРИМБОВЕВ сурати

Йиғламагин Хусанча,  
Ойим уйғониб кетар.

Қара, қатта жой қанча,  
Икковимизга ҳам етар.

## Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

## БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35  
Котибият, хатлар: 34-25-46  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

«Шарқ» нашриёт-маتبъа акциядорлик компанияси босмахо наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 20.35  
Босишга топширилди - 20.00

Газета тахририят компьютер базасида терибли ва саҳифаланди.

## ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176  
ташқилотлар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 2026  
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобюк.  
Баҳоси эркин нарҳда.  
Рассоғ — Н. ХОЛМУРОВОВ.  
Нашр учун масъул муҳаррир — Ф. ТОХИРОВА.  
Навбатчи - М. СОДИКОВ.